БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 139 (1143)
15 ИЮЛЬ СЕШАНБА 1958 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 тийин

БУГУНГИ СОНДА:

Ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликни тезда тугатайлик! (1-бет).
Ўртоқ Антонин Новотнийнинг СССРда бўлиши тўғрисида ахборот (1-бет).
Ўртоқ Антонин Новотнийнинг СССРда бўлиши тўғрисида ахборот имзоланди (1-бет).
Ўртоқ А. Новотний Москвадан жўнаб кетди (1-бет).
Жонажон Ватанимизда (2-бет).
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА (2-бет).
РЕПОРТАЖ: **Ф. Усмонова.** — Ғаллакорлар қувончи (2-бет).
МЕТАЛЛУРГЛАР КУНИ ОЛДИДАН: **А. Азимжонов.** — Матонатли кишилар (2-бет).
МАКТАБ ҲАЕТИ: **Ф. Яқубов.** — Чирчиқ шаҳар мактабларида политехника таълимини яхшилаш масалалари (3-бет).
ОЧЕРК: **У. Жонгитов.** — Ғолиблар даласида (3-бет).
Германия Бирлашган социалистик партиясининг V съездида (4-бет).
А. Новотнийнинг СССРда бўлиши тўғрисида Прагада баён этилган фикрлар (4-бет).
Қуролсизланиш ва халқаро ҳамкорлик Жаҳон конгрессида қатнашадиган совет делегацияси (4-бет).
«Болтиқ бўйида тинчлик ҳафталиги» тамом бўлди. (4-бет).
ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ: **М. Вишедский.** — Моҳир авиотехник (4-бет).

МАМЛАКАТГА 500 МИНГ ТОННА ПАХТА БЕРАМИЗ!

ҒЎЗАНИНГ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ҚОЛОҚЛИКНИ ТЕЗДА ТУГАТАЙЛИК!

☆ ☆

Ғўза парвариши юзасидан июль ойи учун берилган топшириқни сўзсиз бажарайлик

Мамлакатга 500 минг тонна пахта етказиб бериш учун курашнинг энг нозик ва масъулиятли даврида турибмиз. Ҳосилнинг тақдири ҳал қилинаётган шу кунларда бепарволик билан яхши ғўзаларни ёмон қилиб қўйиш ёки бўлмаса ривожланишдан кечикаётган ғўзаларни яхши ишлов бериш натижасида олдинги ғўзалар қаторига етказиб олиш мумкин.

Ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликни тугатишда ва мўл ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой ҳисобланган июлнинг ярмиси тамом бўлди. Тошкент область партия комитетининг бюроси яқинда Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхоз ва совхозларида ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликни тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори июль ойининг биринчи ўн кунлигида қандай бажарилганлигини муҳокама қилди. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўз қарорларида ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликни июль ойида тугатиш ва ғўзага камида икки марта комплекс ишлов бериш, 1 августгача ҳар туп ғўзада ўрта ҳисобда камида 5-6 та бўлиқ кўсак ҳосил қилиш учун зарур чоралар кўришни асосий вазифа қилиб қўйган эди.

Областимизнинг илғор колхоз ва совхозлари бу вазифани бажариш учун курашиб, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорида белгиланган тадбирларни амалга ошириш юзасидан бирмунча иш қилдилар, моддий-техника ресурсларидан ва ишчи кучларидан тўла фойдаланиб, ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликни тугатилар, катта майдонларда ғўзанинг ёппасига гуллаши ва кўсаклашига эришдилар.

Бироқ, умуман олганда область колхоз ва совхозларида ғўза парвариши ниҳоятда қониқарсиз бормоқда, баъзи участкаларда ғўзанинг ривожланиши ҳатто пахтачилик учун жуда ноқулай келган ўтган йиллагига қараганда ҳам анча орқада қолмоқда. Бу ҳол, ҳозирги пайтда пахта далаларида юз берган вазият 1958 йилда мамлакатга 500 минг тонна пахта етказиб бериш ҳақида олинган социалистик мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилиши учун жиддий ташвиш туғдирмоқда.

Область колхоз ва совхозлари ғўза парвариши юзасидан июль ойининг биринчи ўн кунлигида ҳар бир гектардан 18 центнердан пахта етиштирилса, социалистик мажбурият шараф билан бажарилади. Бизда пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун ҳамма имконият бор. Бригадамиз аъзолари илк кўкламдан буён фидокорона меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштиришнинг ҳамма резерврларидан унумли фойдаланмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарори бизнинг меҳнатга бўлган ғайратимизни янада ошириб юборди.

Ғўзанинг ҳар цикл парваришини 15 кунда ўтказилмоқда. Ғўзалар чанқатилмасдан, сув талаб бўлиши билан ноқ суғорилади, ер етилиши билан культивация қилиниб, чуқур чопиқ ўтказилади. Бу, ғўзаларнинг бир текис, яхши ривожланишига ҳамда эрта ҳосилга киришига имкон бермоқда. Учинчи чопиқ тамомланди, ҳозир тўртинчи цикл парвариш кучайтириб юборилди.

Ғўзанинг трактор билан икки томонлама парвариш қилинишига алоҳида аҳамият бераётгирмиз. Бизга универсалчи ўртоқ Очил Тўрагалов бригадаларида дала шийпонлари жиҳозланмаган, болалар боқчалари ва яслилари яхши ишламаётир.

Кунлар жуда қаттиқ исиётганлиги, бундан кейин ҳам ҳарорат кўтарилиши кутилаётганлиги сабабли ғўзани саратон сувида қондириб суғориш мўл ҳосил тўплаш учун курашда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шунга қарамай ғўзани суғоришда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Областда ҳар куни камида 15 минг гектар ердаги ғўзани суғориш учун тўла имконият бўлгани ҳолда, фақат 8-9 минг гектар ердаги ғўза суғорилмоқда. Суғориш айниқса Оққўрғон, Бўка, Пискент, Октябрь, Чиноз, Янгийўл районларида, Киров номли, «Чаноқ», «Гулистон», «Социализм», «Мирзачўл», 6-«Кўкорол» совхозларида суст ва сифатсиз ўтказилмоқда.

Область колхоз ва совхозларида ғўза парваришида бундай жиддий ахвол юз беришига область қишлоқ хўжалик бошқармаси (бошлиғи Ўртоқ Тожиев) ва область совхозлар трести (бошқарувчиси Ўртоқ Иброҳимов) ҳам айбдирлар. Улар ғўза парвариши юзасидан июль ойи учун белгиланган топшириқларнинг бажарилишини ўз вақтида контроль қилмаётирлар. РТС ва МТСлар колхозларга дуруст ёрдам бермаётирлар, трактор ва от культиваторларидан тўла фойдаланилмаётир, колхоз ва совхозлардаги мавжуд ишчи кучлари дала ишларига тўла сафарбар этилган эмас.

Ғўзанинг ривожланишидаги жиддий қолоқликни тезликда тугатиб, ҳар бир колхоз ва совхоз, ҳар бир бригада ва звено томонидан қабул қилинган социалистик мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган миқдорда етарли ҳосил тўплаш — маҳаллий партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, МТС, РТС, колхоз ва совхоз раҳбарларининг энг муҳим вазифасидир. Бунинг учун Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорида ғўза парвариши юзасидан июль ойининг иккинчи ва учинчи ўн кунлиги учун белгиланган барча тадбирларни тўла амалга ошириш, бутун куч ва моддий-техника воситаларини ғўза парваришига сафарбар қилиб, ҳосилнинг эрта муддатларда етилишини таъминлаш керак.

Дала ишларининг муваффақиятини ҳамма вақт жонли кишилар — колхозчилар, совхоз ишчилари ва механизаторлар ҳал қилади. Ғўза парвариши юзасидан берилган кундалик ва беш кунлик топшириқларнинг муваффақиятли бажарилиши ҳам ана шуларнинг фидокорона меҳнатига, куч-ғайрати ва ижодий ташаббусига боғлиқдир. Шунинг учун июль ойининг жазирама иссиқ кунларида пахта далаларида тер тўкиб фидокорона меҳнат қилаётган, 1958 йил мўл ҳосили учун мустаҳкам замин яратаётган кишилар ҳақида ғамхўрлик қилиш — партия ташкилотларининг, ҳар бир раҳбар ходимнинг муқаддас бурчидир. Ишни шундай ташкил қилиш керакки, ҳар бир далачилик бригадаси яхши жиҳозланган ўз шийпонига эга бўлсин, колхозчилар, совхоз ишчилари ва механизаторлар маданий дам олиб, ҳордиқ чиқариш имкониятига эга бўлсинлар, дала шийпонининг ўзида мазали иссиқ овқатлар ташкил этилсин, болалар боқчалари ва яслиларининг иши яхши йўлга қўйилсин, ҳурматли оналаримизнинг унумли меҳнат қилишлари учун зарур бўлган ҳамма шароит яратиб берилсин.

Ғўза парвариши юзасидан июль ойи учун берилган топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлайлик, бутун куч ва моддий-техника воситаларини ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликни тезликда тугатиш учун курашга сафарбар этайлик!

А. БОҚИЕВ
Сирдарё районидаги «Ҳақиқат» колхозининг илғор механизатори. У ҳар куни 13-15 гектар ердаги ғўзани сифатли культивация қилаётир.
Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Фотима ЎРАЗАЕВА —
Юқори Чирчиқ районидаги «III интернационал» колхозининг аъзоси. Ўртоқ Ўразаева ҳар куни нормасини 2-3 ҳиссадан бажариб бошқаларнинг ҳурматига сазовар бўлаётир.
М. Шевелев фотоси.

Р. ЎСАРБОЕВ—
Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг илғор механизатори. У ғўза қаторларини ишлашда юқори кўрсаттичларга эришмоқда.
М. Устабобоев фотоси.

Ҳар туп ғўзани меҳр билан парвариш қилмоқдамиз

Бригадамизда 73 гектар майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан пахта етиштирилса, социалистик мажбурият шараф билан бажарилади. Бизда пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун ҳамма имконият бор. Бригадамиз аъзолари илк кўкламдан буён фидокорона меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштиришнинг ҳамма резерврларидан унумли фойдаланмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарори бизнинг меҳнатга бўлган ғайратимизни янада ошириб юборди.

Ғўзанинг ҳар цикл парваришини 15 кунда ўтказилмоқда. Ғўзалар чанқатилмасдан, сув талаб бўлиши билан ноқ суғорилади, ер етилиши билан культивация қилиниб, чуқур чопиқ ўтказилади. Бу, ғўзаларнинг бир текис, яхши ривожланишига ҳамда эрта ҳосилга киришига имкон бермоқда. Учинчи чопиқ тамомланди, ҳозир тўртинчи цикл парвариш кучайтириб юборилди.

Ғўзанинг трактор билан икки томонлама парвариш қилинишига алоҳида аҳамият бераётгирмиз. Бизга универсалчи ўртоқ Очил Тўрагалов катта ёрдам бераётир. У, эҳтиётлик билан ишлаб, ҳар куни 6-8 гектар ердаги ғўзани етарли чуқурликда культивация қилмоқда.

Ҳосил тўплаш ойининг ҳар кунидан унумли фойдаланмоқдамиз. Ҳаво иссиқ бўлаётгани сабабли колхозчилар ишга барвақт чиқиб, иссиқ бошланганга қадар асосий ишни бажармоқдалар. Суғориш нормаси тўла ва ошириб ало этилаётир, сувдан унумли фойдаланилмоқда. Бекназаров, Мирзаев сингари тажрибали сувчилар, Ҳобат Эргашева, Ҳувайда Қаҳрамонова, Рихси Жуманова каби илғор колхозчилар ғайрат билан ишлаб, мўл ҳосил етиштиришга муносиб ҳисса қўшаётирлар.

Биз ҳар туп ғўзани меҳр билан парвариш қилиб, ҳосилга-ҳосил қўшамиз, социалистик мажбуриятимизни ошириб бажарадиган даражада пахта етиштирамиз.

Қ. САФАРОВ,
Чиноз районидаги «Қизил Октябрь колхозининг 10-бригада бошлиғи.

Мўл ҳосил учун

Мирзахон Соиббоев бошлиқ бригада аъзолари ғўза парваришида олдингилар қаторида бормоқдалар, — деб айтишди. Биз шу бригада аъзоларининг иши билан танишиш мақсадида далаларни айландик. Бригадир Мирзахон ака ҳозиргина культивациядан чиқарилган ерларда ишнинг сифатини текшираётган экан.

— Биз бу йил 50 гектар ерга ғўза ўстирмоқдамиз. Мақсадимиз гектаридан 33 центнердан ҳосил етиштириш. Мажбуриятга яраша ҳосил етиштириш учун курашмоқдамиз, — дейди бригадир.

Бригада аъзолари ўз аҳдларининг уддасиман чиқиш учун астойдил меҳнат қилаётганликлари кўриниб турибди. Текис ям-яшил майдондаги ғўзалар ёппасига гуллаб шоналаб бошлаган. Колхозчилар мўл ҳосил нишоналарини тўла сақлаб қолиш учун курашиб культивация, чопиқ, суғориш ишларини агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда ўтказмоқдалар. Ғўзанинг биринчи цикл парваришини муваффақиятли ўтказган колхозчилар, иккинчи парваришни ҳам уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар. Бригадада меҳнат тўғри ташкил этилган. Қумри Акбарова, Қорасоч Ермаматова, Зулфия Талабоева, Усмон Мирхоновлар кундалик чопиқ, суғориш нормаларини ортиғи билан бажармоқдалар.

Колхознинг Очил Азимов бошлиқ бригада аъзолари ҳам 70 гектар ернинг ҳар гектаридан камида 30 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

Верхне-волинск районидаги Свердлов номли колхозда ўтган йили пахта тайёрлаш давлат плани бажарилмаган эди. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти бу йил мўл ҳосил етиштириш учун курашиб, йил бошиданоқ қатор тадбирларни амалга оширди. Сифатли ишланган ерга эрта муддатларда чигит экилиб, текис ундириб олинди. Меҳнатсевар колхозчилар шу кунларда ғўза парваришини кучайтириб юборганлар.

М. КАТТАБЕКОВ.

Мен ғўзани қандай суғормоқдаман

Бригадамизнинг 125 гектар пахта майдони бор. Барча майдонга чигит квадрат-уялаб экилган. Ҳозир бизда ғўза учинчи марта комплекс парвариш қилинаётир. Шу кунга қадар ҳар гектар ердаги ғўза 300 килограмм суперфосфат, 400 килограмм азот ва суюқ аммиак ҳамда 1,5 тонна маҳаллий ўғит билан озиқлантирилди.

Маълумки, ғўзанинг нормал ривожланиши учун, уни об-тобида қондириб суғормоқ зарур. Ғўзани айни шу кунларда қондириш ҳар бир туп ғўзада мўл ҳосил тўплашнинг гаровидир. Биз шу кеча-кундузда ғўзаларга учинчи сувни, гул сувини бермоқдамиз. Барча майдондаги ғўзалар гуллаб кўсакламоқда. Ғўзалар сўнгги марта июль ойининг охирларида озиқлантирилади. Бу озиқлантириш даврида ҳам ғўзаларни қондириб суғориш керак.

Мен сувчи дўстларим Бинали Бачатов, Мардали Айвазовлар билан мусобақалашиб, суткасига 0,75—1 гектар майдондаги ғўзани эгат оралатиб, қондириб суғормоқдаман. Мен асосан кечаси ишлайман, чунки ғўза тунда яхши суғорилса, ҳосил яна ҳам мўл бўлади.

Биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Июль ойида ғўза парваришидаги қолоқликни тугатиш тўғрисида»ги қарорини ўқиб чиқдик, дала ишларини янада қизитиб юбордик. Гектаридан 28 центнердан ҳосил етиштириш учун бригадамиз аъзолари июль ойида ҳар бир туп ғўзада камида 5-6 талан бўлиқ кўсак бўлишини таъминлаш учун зўр ғайрат билан ишламоқдалар.

Мурод НИЁЗОВ,
Октябрь районидаги Киров номли колхоз сувчиси.

Тюпкочилар даласида

Универсалчи Ўринбой Зокировнинг механизация соҳасида ишлаётганига 23 йилча бўлди. Ўз ҳунарининг ҳақиқий устаси бўлган бу механизаторни бир қанча бригада бошлиқлари бизга ўтсин, деб уни ўзларига чорлашган эди. Шунда у:

— Мен тюпкочасига ишламоқчиман, қани ўзимни синаб кўрайчи, ҳарқалай тракторни ишлатиш қўлимдан келади... — деди.

Колхоз правлениеси унинг илтимосини қондирди. Ўринбой Зокиров бошлиқ тюпкочи звено тузилди ва унга 30 гектар ер биркитиб берилди.

Шу кунларда бу тюпкочилар даласида бўлган киши гуркираб ўсаётган ғўзаларни кўриб гоят шодланади. Ҳар туп ғўзада 6-7 талан гул, 1-2 талан кўсак кўринниб турган ғўзалар мўл ҳосилдан дарак бермоқда.

— Ишимиз ёмон эмас, — дейди 63 ёшли сувчи Турлибек ота Минтоев, — ғўзаларимизнинг ривожи қўшни бригадаларникидан яхши бўлса яхшики, ёмон эмас. Аммо ҳозир саратон. Ишни қитдек бўлса ҳам бўшаштириш ҳосилнинг камайиб кетишига сабаб бўлади. Суғориш ёки культивация қилиш сал кечиктиридими, кўплаб шона тўкилади.

— Эндиги сувда ғўзага «шарбат» оқизсак ҳам бўлади, — отанинг гапини маъқуллаб қўшиб қўйди унинг шогирди сувчи Тўрабой Тошпўлатов, — биз шу билан кўплаб шонани гулга, гулни бўлиқ кўсакка айлантириб оламиз.

Звено аъзолари ғўзаларни талабига ва ер шароитига қараб парвариш қилмоқдалар. Ҳозиргача барча ғўзалар узунасига ва кўндалангига уч марта культивация қилинди ва икки марта озиқлантирилди. Ҳар озиқлантиришда бир гектар ерга 300 килограмм сульфат аммоний, селитра, суперфосфат аралашмаси солинди. Учинчи озиқлантиришда эса ҳар гектар ерга қўшимча равишда 50 килограммдан калий солишни белгиладилар.

Миришкор сувчилардан Т. Минтоев, Т. Тошпўлатовлар ҳозир учинчи суғоришни бошлаб юбордилар. Ўммахон Қуттиева, Ойбиби Абдурасулова, Пирназар Сатторов, Айдамат Саидбеков ўртоқлар ғўзаларни ўтоқ қилмоқдалар, сувчиларга яхши ёрдам бермоқдалар.

Тюпкочилар 30 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш тўғрисидаги мажбуриятларини шараф билан бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

З. ҚУРТНЕЗИРОВ,
Янгийўл районидаги Фрунзе номли колхоз.

Учинчи парвариш тугалланди

«Мирзачўл» совхози 1-бўлимининг кўпчилик бригадаларида ғўза парвариши намунали ўтказилаётир. Айниқса Байирбек Ғойибназаров бошлиқ 6-бригада ишчилари 92 гектар ернинг ҳар гектаридан 19 ўрнига 25 центнердан ҳосил олиш учун ғайрат билан ишламоқдалар. Ҳозир бу бригадада учинчи парвариш тугалланди.

Бригаданинг Б. Мамараимова, Г. Қурбонова, Ҳ. Ғойибназарова, Х. Бегалиев, Б. Алмаматов каби аъзолари юқори унум билан ишлаб, бошқаларга намуна бўлаётирлар.

Шунингдек райондаги «Коммуна» колхозининг К. Нишонбоев, А. Қурбонов, «Коммунизм» колхозининг И. Хўжакелдиев бошлиқ бригадаларида ҳам ғўзалар намунали парвариш қилинмоқда.

Ўртоқ Антонин Новотнийнинг СССРда бўлиши тўғрисида

АХБОРОТ

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва Чехословакия Республикаси Президенти Антонин Новотнийнинг СССРда бўлиши тўғрисида 12 июлда имзоланган ахборотда дейиладики, Совет Иттифоқи ва Чехословакия коммунистик партиялари ўртасида ҳамда СССР билан Чехословакия Республикаси ўртасида халқаро ва ички сиёсатнинг ҳамма масалаларига доир принципиал позицияларнинг умумийлигига асосланган қарашларда тўла равишда бирлик мавжуддир.

Чехословакия ва Совет Иттифоқи партия ва давлат арбобларининг учрашувлари вақтида ҳар иккала томон иккала мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар муваффақиятли равишда ривожланиб ва мустаҳкамланиб бораётганлигини қайд қилдилар.

Ҳар иккала томон Совет Иттифоқи билан Чехословакия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик муваффақиятли равишда ривожланиб бораётганлигини, тобора такомиллашган шаклга кириб бораётганлигини ҳам мамнуният билан қайд қилдилар.

Совет Иттифоқи ва Чехословакиянинг партия ва давлат арбоблари, дейилади ахборотда, шу нарсада якдилдирларки, социалистик лагерь мамлакатларининг пролетар интернационализми принципларига ҳамда марксизм-ленинизм идеяларига содиқликка асосланган ва мустаҳкамланиб бораётган бирлиги социалистик қурилиш йўлига тушиб олган ҳамма мамлакатларнинг муваффақиятли равишда ривожланиб боришини таъминловчи асосий ғарантиядир.

Ҳар иккала томон шуни қайд қилдиларки, тинчлик, демократия ва социализм кучларининг кенг миқёсда ўсиб бораётганлиги ҳозирги халқаро аҳволнинг характерли белгисидир. Бу кучлар социалистик лагерь мамлакатларининг бўшашмас бирлигига мустаҳкам ва қаттиқ таянмоқда.

Томонлар улуғ халқ Хитойининг социалистик лагерь бирлигини мустаҳкамлаш ишига, халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик учун кураш ишига қўшаётган ҳиссасига юксак баҳо бердилар. СССР ва Чехословакия, дейилади ахборотда, Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги қонуний ҳуқуқларини тиклаш бу ташкилотни ялпи тинчликни сақлаб турадиган самарали халқаро воситага айлантиришнинг энг муҳим шартларидан бири деб билиб, Хитой Халқ Республикасининг бу қонуний ҳуқуқларини тиклашга бундан буён ҳам қатъият билан ҳаракат қила берадилар.

Ахборотда ҳукуматлар бошлиқларининг иштироки билан раҳбар давлат арбобларининг кенгашини яқин вақт ичида чақиришнинг муҳимлиги уқтириб ўтилади.

Ҳар иккала томон ядро қуролининг ҳамма турлари синовларини тўхтатишни ҳозирги замоннинг энг зарур проблемаларидан бири деб ҳисоблайдилар, бу синовларни дарҳол тўхтатиш эса, тинчликни мустаҳкамламоқ ва янада зўр бериб қуролланишни тўхтатмоқ учун қулай оқибатларга эга бўлур эди.

Ғарбий Германиянинг янада ҳарбийлаштирилишига қарши изчиллик билан кураш олиб боришга қаттиқ бел боғланганлиги ахборотда таъкидланади, чунки Ғарбий Германия ҳукумати АҚШ ҳукуматининг ёрдами билан бундесверни атом ва ракета қуроли билан жадал қуроллантиришга киришди. СССР ва Чехословакия ўзининг намуна бўларлик иши билан тинчликсевар ва демократик Германияни вужудга келтириш йўлини кўрсатаётган ва Европада хавфсизлик учун актив кураш олиб бораётган Германия Демократик Республикаси билан ўзларининг тўла равишда бирдам эканликларини билдирадилар.

Суҳбатлар вақтида шу нарса уқтириб ўтилдики, Европадаги ҳарбий хавфни тугатиш Марказий Европада ядро ва ракета қуролидан холи бўлган зона вужудга келтиришга ёрдам берган бўлур эди. Ливандаги воқеалар муносабати билан Яқин ва Ўрта Шарқда вужудга келган аҳвол гоят хавотирлик туғдираётганлиги айтиб ўтилди.

Ҳар иккала томон, деб таъкидланади ахборотда, халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлашга ҳамда давлатларнинг ижтимоий ва социал системаларидан қатъи назар уларнинг тинч-тотув яшаши принципларига риоя қилиш асосида барча мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни кенгайтиришга ҳаракат қила берадилар.

КПСС ва Чехословакия Коммунистик партиясининг раҳбар арбоблари ўз партияларининг ишлари тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар ҳамда партияларнинг ўзаро муносабатларига доир масалаларни ва халқаро ишчилар ҳаракатининг актуал проблемаларини муҳокама қилдилар.

Суҳбатлар вақтида партия ишларидаги тажрибаларни бундан буён ҳам ўзаро алмашишга ва шунингдек КПСС билан Чехословакия Коммунистик партияси ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришга доир конкрет тадбирлар муҳокама қилинди. Ҳар иккала партия, дейилади ахборотда, социалистик лагерь бирлигини бузишга қаратилган ҳар қандай уринишларга қарши кескин равишда кураша берадилар. Улар социализм ва тинчликнинг янги ғалабаларини кўзлаб, барча коммунистик ва ишчи партиялар билан, бутун халқаро революцион ҳаракат билан интернационал алоқаларни бундан буён ҳам кенгайтира берадилар ва мустаҳкамлай берадилар.

Ўртоқ А. Новотнийнинг СССРда бўлиши тўғрисида ахборот имзоланди

12 июлда Катта Кремль Саройида Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва Чехословакия Республикасининг Президенти Антонин Новотнийнинг СССРда бўлиши тўғрисида ахборот имзоланди. Ахборотни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ва Чехословакия Республикасининг Президенти А. Новотний имзоладилар.

Ахборот имзоланган вақтда Совет Иттифоқи ва Чехословакия Республикасининг партия ва давлат арбоблари ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Ўртоқ А. Новотний Москвадан жўнаб кетди

Совет пойтахтининг Внуково аэродромига борадиган магистраллари ва майдонлари 14 июль эрталабдан бошлаб Чехословакия ва СССР давлат байроқлари билан, икки қардош халқнинг бузилмас дўстлиги тўғрисида ёзилган қизил алвонлар билан безатилган эди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан, расмий дўстона визит билан СССРда бўлган Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Чехословакия Республикасининг Президенти Антонин Новотнийнинг ҳамда Чехословакиянинг бошқа партия ва давлат арбобларини кузатиб қолиш учун шаҳарнинг неча минглаб аҳолиси кўчаларга чиқди. Автомашиналар колоннаси Кремлдан аэродромга кетаётганида москваликлар азиз меҳмонни қизғин табриклаб турдилар.

Учиш майдонида одам жуда кўп эди. Бу ерга Москва завод ва фабрикаларининг жуда кўп вакиллари келдилар. Аэропортга кираверишда «Чехословак дўстларга самимий салом!» деб ёзиб қўйилган эди.

Эрталаб соат ўнда аэродромга К. Е. Ворошилов, А. И. Микоян, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, А. Н. Косигин, Д. С. Полянский ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари М. П. Тарасов ва М. Р. Раҳматов, СССР министрлари, Совет Иттифоқи маршаллари, СССР Олий Совети депутатлари келдилар. Аэродромда шунингдек Чехословакия Республикасининг СССРдаги элчиси Яромир Вошаглик, дипломатия корпус аъзолари ҳам бор эди.

Меҳмонлар ватанларига жўнаб кетиш олдидан СССР Олий Совети Президиумининг раиси К. Е. Ворошилов ва Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Чехословакия Республикасининг Президенти Антонин Новотний нутқ сўзладилар.

Совет раҳбарлари ва москваликлар билан самимий хайрлашганларидан кейин Антонин Новотний ва Чехословакиянинг унга ҳамроҳ бўлган партия ва давлат арбоблари «ТУ-104» самолёти бортига чиқдилар. Бир неча минут ўтгандан кейин ҳаво кемаси Прагага қараб йўл олди. (ТАСС).

Жонажон Ватанимизда



Новороссийск — цементчилар шаҳри. Бу ерда Ватанимизда ишлаб чиқарилган энг янги техника билан қуролланган улкан цемент комбинати биноси қад кўтарди. Кубаннинг мингдаб тонна цементи турли чет давлатларга экспорт қилинаётир. Бу йил «Октябрь» заводи планга қўшимча равишда бир неча минг тонна цемент топширди. Завод коллективи муваффақиятлари учун Краснодар Совнархозининг Ҳурмат тахтасига ёзилди. Суратда: «Октябрь» цемент заводининг айланма печлари.

Е. Шулепов фотоси (ТАСС фотохроникаси).

☆

Озарбайжон тилида В. И. Ленин асарларининг тўпламлари

БОКУ, (ТАСС). Озарбайжон давлат нашриёти «Озарнашр» Озарбайжон тилида В. И. Ленининг «Партия бирлиги тўғрисида» деган тўпламини босиб чиқарди. Тўпламга Владимир Ильичнинг партия X съездидаги бир қанча нутқлари киритилган.

В. И. Ленин асарларининг кенг китобхонлар оммасини жуда қизиқтирадиган тематик тўпламларини «Озарнашр» тобора кўпроқ нашр этиб келмоқда. Ҳозиргача В. И. Ленин асарларининг «Улуғ Октябрь социалистик революцияси тўғрисида», «Ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқи тўғрисида», «Меҳнат унумдорлиги тўғрисида», «Оғир саноатни ривожлантириш ва мамлакатни электрлаштириш тўғрисида», «1905-1907 йиллар революцияси тўғрисида», «Ёшлар тўғрисида» номли тўпламлари Озарбайжон тилига таржима қилиниб чиқарилди. Бу йил В. И. Ленин асарларининг «Миллий ва миллий-мустамлака масаласи тўғрисида» деган тўплами ҳам босилиб чиқади.

Краснодар ўлкасининг далаларида галла ўрими бошланди. Усть Лабинск районидаги «Кубань» колхози аъзолари арпа ўримига биринчи бўлиб киришган эдилар. Кейинги уч кун ичида бу ерда 500 гектардан ортиқ ердаги арпа ўриб олинди. Колхоз механизаторлари бирбирлари билан мусобақалашиб ишлаб, меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришаётирлар. Суратда: илғор комбайнчи ўртоқ Владимир Галиусов арпа ўраётир. У кунига 35 гектар ердаги арпани сифатли қилиб ўриб бермоқда.

Е. Шулепов фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

Уралмаш заводининг 25 йиллиги

СВЕРДЛОВСК, (ТАСС). Ураллаги оғир машинасозлик заводи ишга туширилган кунга 15 июлда 25 йил тўлади. Урал оғир машинасозлик заводининг маркаси қўйилган ажойиб машиналар мамлакатимиздагина эмас, балки ундан ташқарида ҳам машҳурдир. Ҳозирги вақтда завод ишлаб чиқараётган юксак даражада механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган прокат станлари ҳамда гигант ўзи юрар экскаваторлар, кучли пресслар, пармалаш установкалари, агломерацион машиналар ва цемент печлари, ўнлаб хилдаги бошқа мукаммал машиналар ва механизмлар совет машинасозлигининг ифтихоридир.

Улуғ Ватан уруши йилларида Уралмаш заводининг ишчилари фашизм устидан ғалаба қозониш ишига катта ҳисса қўшдилар. Уларнинг ана шу оғир йилларда меҳнат соҳасида кўрсатган зафарлари Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди.

Уруш тамом бўлгандан кейин дарҳол завод тинчлик мақсадлари учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга киришди ва 1950 йил охирига келиб, бу маҳсулот ҳажми деярлик уч баравар ошди. 1957 йилда заводда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш урушдан илгариги даражага нисбатан беш баравар, механизациялаштирилган буюмлар ишлаб чиқариш эса, олти баравардан зиёд кўпайди. Меҳнат унумдорлиги шу давр ичида уч баравар ошди. Заводнинг кўп минг кишилик коллективи ўз машиналарини тинмай такомиллаштирмоқда ва уларнинг кўпи техник сифатлари жиҳатидан чет эл фирмаларининг маҳсулотидан устундир.

Кўп минг кишилик коллектив жонажон заводнинг юбилейини меҳнат соҳасида муносиб совғалар билан кутиб олмоқда. Ярим йиллик план муддатидан илгари бажарилди, пландан ташқари миллион-миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Уралмаш заводи ишчилари ўз ваъдаларини адо этдилар: улар машиналарининг бир қанча янги намуналарини тайёрладилар.

Москвада комплекс-механизациялаштирилган корхоналар вужудга келтирилмоқда

Москва шаҳар Халқ Хўжалиги кенгаши комплекс-механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган корхоналарни танкил қилиш планини муҳокама қилди. Яқин йилларда пойтахтда 23 та ана шундай завод ва фабрика вужудга келтириш мўлжалланади. Бунинг натижасида шу корхоналарда меҳнат унумдорлиги ва меҳнат маданияти кескин суратда ошади, маҳсулотнинг таннархи камаяди.

Масалан, Лихачев номидаги автомобиль заводида 1959-1962 йилларда юк автомобиллари ишлаб чиқаришни янада кўпроқ механизациялаштириш ва автоматлаштириш кўзда тутилади. Бу ерда кўпгина автоматик линиялар ўрнатилади. Натижада автомобиллар ишлаб чиқариш бир ярим баравар ортади.

23 корхона орасида — биринчи подшипник заводи, «Красний пролетарий» заводи, қаттиқ қотишмалар заводи, «Мосжерго»нинг 20-теплоэлектроцентрали, 2-мебель-йиғиш комбинати, «Парижская коммуна» пойафзал фабрикаси, Фрунзе номидаги йигириш-тўқимачилик фабрикаси, «Красний Октябрь» кондитер фабрикаси бор.

Шунингдек, Москвадаги бошқа бир қанча корхоналарда айрим ишлаб чиқаришларни, цехларни, участка ва линияларни комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш плани ҳам белгиланди.

Шу билан бирга, Кенгаш ҳамма заводлар ва фабрикаларнинг коллективлари олдига асосий ва ёрдамчи процессларни механизациялаштириш ва автоматлаштириш комплексини амалга ошириш учун социалистик мусобақани кучайтириш вазифасини қўйди.

Халқ хўжалиги кенгашининг мажлисида шу проектларни келгусида бошқа корхоналарда ҳам қўлланиш мақсадида ишлаб чиқариш процессларини ва асбоб-ускуналарни автоматлаштириш ва механизациялаштиришнинг ҳамда машина-ускуналарнинг типовой проектларини яратиш зарурлиги таъкидланди. Олиб бориладиган ишларнинг техника даражаси уларни қўлланишнинг иқтисодий жиҳатдан жуда самарали бўлишини таъминлаши лозим. (ТАСС).

Пойтахтнинг ҳаво дарвозаси

Совет Иттифоқи ҳаво йўлининг асосий маркази Москва—барча иттифоқчи республикалар, йирик шаҳарлар, индустриал марказ ва кўпгина курортлар билан тўппа-тўғри ҳаво йўли маршрути орқали боғланган.

Мамлакатимиз ички ҳаво линияси кўламининг кенглиги жиҳатидан дунёда биринчи ўринда туради.

Москвадаги Внуково марказий аэродромидан Граждан ҳаво флотининг тезучар комфортабель самолётлари халқ демократияси мамлакатлари — Хитой, Польша, Чехословакия, Албания, Венгрия, Корея Халқ Демократик Республикаси, Руминия, Болгария, Германия Демократик Республикаси ва бошқа мамлакатларнинг марказий шаҳарларига мунтазам равишда қатнаб туради.

Аэропорт радионавигация аппаратураси билан жиҳозлангани туфайли ҳар қандай мураккаб метеорологик шароитда ҳам ишлаш имкониятига эга.

Внуково аэродромида тун-кун ҳаёт қайнайди. Бу ерда бир суткада учиб келаётган ва кетаётган пассажирларнинг сони 3,5 мингдан ортади. Аэропортда почта, юк ташиш ишлари ҳам алоҳида ўрин тутади. Ҳаво йўли орқали ташилаётган юкнинг миқдори ҳар ойда ўрта ҳисоб билан 3400 тоннани ташкил қилади.

Ҳаво йўлида энг янги конструкцияли самолётларнинг қатнаши пассажир ва юкларни ташишни тезлатишда катта роль ўйнаётир.

Кейинги вақтларда СССР Граждан ҳаво флотининг халқаро алоқаси тобора кенгаяётир. Ҳозир Внуково аэропортида кўпгина чет эл авиакомпаниялари ишлаб турибди. Булар орасида Чехословакиянинг «ЧСА», Польшанинг «Лот», немисларнинг «Дейче Люфт-ганза», финларнинг «Аэро», Бельгиянинг «Сабена» каби компаниялари бор.

Суратда: «ТУ-104» самолётлари парвозга ҳозирланмоқда.

В. Мастюков, А. Коньков фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

„СССР Фанлар академияси тарихи"

ЛЕНИНГРАД, (ТАСС). Академик нашриётининг Ленинград бўлими «СССР Фанлар академияси тарихи» номли катта асарнинг биринчи томини босиб чиқарди. Китобга киритилган материаллар академия таъсис этилган кундан бошлаб 1803 йилгача бўлган дастлабки даврни батафсил таърифлаб берали. Асарда Ватан фани ва маданиятини ривожлантиришда академиянинг роли кўрсатилган. Бу материаллар илғор фан ва техника учун М. В. Ломоносов бошчилигида рус олимлари олиб борган кураш тўғрисида ҳикоя қилади.

Нашр этилган томнинг ҳажми 30 печат листдан ортиқдир. «СССР Фанлар академияси тарихи» ҳаммаси бўлиб уч томда нашр этилади. Иккинчи том академиянинг 1803 йиллан 1917 йилгача бўлган даврдаги фаолиятига бағишланади. Учинчи томи эса Октябрдан кейинги даврдаги воқеаларни ўз ичига олади.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми Узбекистон ССР қонунларини, Узбекистон ССР Олий Совети қарорларини, Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини ва қарорларини эълон қилиш ва кучга киритиш тартиби масаласини кўриб чиқиб, бу масала юзасидан Фармон қабул қилди.

Узбекистон ССР қонунларини ва Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини эълон қилиш ҳамда уларни кучга киритиш муддатларини аниқлаш ишларини тартибга солиш мақсадида Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми шу нарсани белгилаб қўйдики, Узбекистон ССР қонунлари, Узбекистон ССР Олий Советининг қарорлари ва бошқа актлари, Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонлари ва қарорлари «Узбекистон ССР Олий Совети ведомостлари»да эълон қилинмоғи керак.

Юқорида кўрсатиб ўтилган актларнинг халққа кенг равишда ва дарҳол билдирилиши керак бўлган энг муҳимлари «Қизил Узбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони Сурх» газеталарида эълон қилинади.

Зарур ҳолларда бу актлар радио орқали ҳам халққа билдирилиши ёки телеграф орқали юборилиши мумкин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг умумий аҳамиятга эга бўлмаган ёки норматив характерда бўлмаган фармонлари ва қарорлари тегишли бошқармалар ва муассасаларга юборилади ҳамда улар томонидан шу актларга алоқадор шахсларга маълум қилинади. Бу фармонлар ва қарорлар Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг қарори бўйича эълон қилинмаслиги мумкин.

Умум норматив характердаги Узбекистон ССР қонунлари, Узбекистон ССР Олий Советининг қарорлари ва бошқа актлари, Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонлари ва қарорлари, агар актларнинг ўзида уларнинг кучга кириш муддати кўрсатилмаган бўлса, «Қизил Узбекистон», «Правда Востока», «Узбекистони Сурх» ёки« Ведомостлар»да эълон қилинганидан кейин 10 кун ўтгач бутун Узбекистон ССР территориясида бир вақтда кучга киради; кенг равишда ва дарҳол ҳаммага билдирилиши керак бўлган ва «Қизил Узбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони Сурх» газеталарида эълон қилинган актлар мазкур газеталарда эълон қилинганидан кейин ўн кун ўтгач кўчга киради.

Умум норматив характерга эга бўлмаган бошқа актларнинг ҳаммаси агар актларнинг ўзида уларнинг кучга кириши ҳақида бошқа муддат кўрсатилмаган бўлса, қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг, Президиумнинг қарорига биноан умумий аҳамиятга эга бўлмаган ёки норматив характерга эга бўлмаган деб эълон қилинмаган фармонлари ва қарорлари, агар актларнинг ўзида уларнинг кучга кириши ҳақида бошқа муддат кўрсатилмаган бўлса, уларни тегишли бошқармалар ва муассасалар олган пайтидан бошлаб кучга киради.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми Узбекистон ССР Министрлар Советига ҳам Узбекистон ССР Министрлар Совети қарорларини ва фармойишларини эълон қилиш ва кучга киритиш тартибини белгилаб қўйишни топширди.

РЕПОРТАЖ

Ғаллакорлар қувончи

Донининг оғирлигидан эгилиб, чайқалиб турган ғаллазорларни оралаб борар эканмиз, бу йилги мўл ғалла ҳосилини кўриб кўз қувнайди. Узоқ-узоқларда ғалла ўраётган комбайннинг бир оҳангдаги овози, қирнинг ёқимли шабадаси — буларнинг ўзига хос гашти бор. Ўрим. Қадимдатидай чаккани боғлаб олиб, тер тўкиб ўроқ ўриш эмас. Ана уч азамат комбайн икки бригаданинг юзлаб гектар еридаги ғалласини ҳўплаб ташлябди. Ҳа деганда бункер тўлар, уни бўшатишга машина улгуртилса, бас. Хирмон ҳам тайёр. Хирмон бўлганда ҳам, бир кунда 50-60 тонна ғаллани тозалаб, қабул пунктига жўнатиб турадиган хирмон.

Кўпчилиги кексалардан иборат 15 га яқин ғаллакор комбайндан чиққан донни совуришар, қоплаб машинага ортишарди.

— Хорманглар отахонлар, хирмонга барака!

— Ўмрларингга барака, саломат бўлинглар! — жавоб қилишди чоллар ишдан бошни кўтармай.

— Отахонларимиз ғанимат фурсатнинг қадрига етишади-да. Кунлик нормани икки баровар бажармагунча тинчишмайди. — Мамнун гапирди колхоз раиси Тожибой ака.

— Шундоқ кунда тинчиб бўладими, ўглим. Қани, бу тарафдан олаверинглар, онақизларим. — Дон қоплаётган қизларнинг ишини тезлаштирарди ёши етмишларга бориб қолган Эштой ота Рўзиев.

— Эштой отамиз дон совурувчиларнинг бошлиғи. Чорвада эдилар, ғалла ўрим-йиғими бошланиши билан «менинг жойим хирмонда», деб шу ерга келиб олдилар. Назир, Нуртой, Сиддиқ оталаримиз билан тўрттовлари бир кунда пландаги 12 тонна ўрнига 20 тоннага етказиб ғалла совуришади, — деди биринчи бригада бошлиғи ўртоқ Турғунбоев, қоплаги буғдойни машинага ортаётиб.

Кун авжи қизиган пайт, лекин хирмондаги ёш-у-қарига иссиқ гўё таъсир қилмаётгандай. Улар ҳеч нарсани писанд қилишмайди. Ҳар сафар дон ортган машина қабул пунктига жўнатилганда, «шуниси билан палонча тонна, кечгача ўттиз тонна»дан ошиб кетади, дейишарди қувониб.

— Давлатга 260 тонна ғалла топширишимиз керак. Кеча 200 дан ошиқ эди, бугун икки бригададан 30 тоннадан бўлса, 60. Мўлжал ҳам бугун эди, — Пешона терини хотиржамлик билан сидириб туриб гапирди раис.

— Мажбуриятни бажардингиз ҳисоб, лекин ҳали ғаллангизнинг тўртдан уч қисми бор, энди буёғини ҳам колхоз складига ташийсиз.

— Қўймаймиз, ғалла бўлади-ю, қолармиди. Бу ёғи меҳнат кунигада, ўглим! — сўзга аралашди бел кураклда буғдой совураётган Эштой ота.

— Бу йил меҳнат кунига ғалла ҳам, пул ҳам кўп бўлади, — деди қопларнинг оғзини тикаётган йигитлардан бири.

— Килосига 74 тийин-а, давлатга топширган ғалланинг ўзидан 200 минг сўмга яқин даромад олар эканмиз. Партиямиз Марказий Комитетининг июнь Пленуми норвадор ва ғаллакор колхозчилар хўжалигини бадавлат хўжаликка айлантирадиган қарор қабул қилди.

Раиснинг бу сўзлари шу ердаги ҳамма ғаллакорларнинг дилида мавж уриб турганлиги аниқ сезиларди. Улар хирмонга комбайнлардан ғалла келтирган, тайёр донни пунктга элтаётган ғалла карвонларига завқ билан қарашар, «Ҳосил мўл, даромад ҳам зўр» деб қўйишарди.

Тушки овқатга занг урилди. Икки тарафи очиқ болохонада музика садолари янграб эшитиларди.

Ғир-ғир шабада эсиб турган шийпон ёш-яланг йигит-қизлар, нуроний кексалар билан гавжум бўлди-қўйди. Комбайнчи, штрувалчи йигитлар кечикиброқ тўпланишди. «Ҳорманглар-ҳорманглар!» қарши олишди деҳқонлар бири-биридан бақувват, бири-биридан хушчақчақ 9 йигитни юқорига таклиф қилиб.

— Бу азаматларга қанча офарин айтса оз, Хув! Қиялик-тепаликларга назар солинглар, нечоғлик эҳтиёт бўлинмаса, комбайн билан агдарилиб кетиш ҳеч гап эмас. Афсуски, бунақа воқеалар бўлиб туради. Аммо бизнинг йигитларимиз эпчил, бу ерларнинг «тили»ни билишади. Қани, нормадан кел, Номозвой. Бугун неча гектарга олиб борасан? — деди раис.

—16 бўлмаса ҳам 15 га етиб қолар.

— Исмат-чи?

— Биз ҳам 14-15 га дўндирамиз, — жавоб қилди штурвалчи Х. Ғофуров.

— Баракалла! — баравар айтишди чоллар.

— Комбайнчиларимиздан Эдин Орипов билан Номоз Қурбонов бирбирини социалистик мусобақага чақиришган. Ҳозирча иккови ҳам тизгинни бўшатгани йўқ. — Сўзга аралашди 2-бригада бошлиғи Карим Акбаров. — Исмат Иброҳимов ҳам чакки эмас. Янги бўлишига қарамай, шуларга етаман деб, ҳаракати зўр.

* * *

Бу азамат ғаллакорлар Паркент районидаги Энгельс номли колхозининг аъзолари. Колхоз бу йил 1100 гектар ерда ғалла етиштирган. Улар гектаридан 10 центнердан ҳосил олишга аҳд қилган эдилар. Дастлабки якунлар гектаридан 14-15 центнердан ҳосил тўкилаётганлигидан дарак бераётир. Карим Акбаров бошлиқ бригаданинг 85 гектар ердаги буғдойидан 15-16 центнердан ҳосил олинди. Турғунбоев бошлиқ бригаданинг аъзолари 190 гектар ернинг ҳар гектаридан 14-15 центнердан буғдой олдилар.

Колхоз бу йил колхозчиларнинг меҳнат кунига 10 сўмдан пул, 6 килограммдан ғалла беришни мўлжалламоқда.

Ф. УСМОНОВА.

МЕТАЛЛУРГЛАР КУНИ ОЛДИДАН

Матонатли кишилар

Биз мартен цехига кириб келганимизда, цех бошлиғининг ўринбосари Петр Викторович темир панжарага суяниб, атрофдаги манзарани кузатиб турарди. Бу улкан цехнинг деярлик ярмисини қоплаб олган мартен печкаларида темир-терсаклар эримоқда. Цехнинг пасти саҳнида қолипларга қуйилган пўлат слиткалари қудратли кўтарма кранлар ёрдами билан майдончага олиб қўйилмоқда. Иккинчи бир кўтарма кран тўпланиб турган слиткаларни платформаларга ортмоқда.

Паровоз сигнал бериб, турна қатор платформаларни цехдан оҳиста олиб чиқади. Ўзбек пўлати катта қурилишларга, завод ва комбинатларга, гидроэлектростанция ва иншоотларга... тинчлик қурилишларига йўл олмоқда!

Цехнинг иккинчи бир томонидан яна ваганеткаларда темир-терсаклар узлуксиз келтирилиб турибди. Қорачалан келган, мускулдор, ўрта бўйли йигит печь ичига назар ташлади. Бу смена мастери Ҳафиз Ғаниев эди. Пўлат эритувчи Банноп Мирзаматов бир неча метрли чўмичи билан печь қозонидан қайнаб турган пўлатни олиб плиткага қуйди:

— Тоби қалай?

Банноп Ғаниевнинг сўроғига жавоб қайтаргани ҳам йўқ эдики, лабораториядан эритманинг анализини олиб келган аёл унинг сўзини бўлди:

— Қуйса бўлади.

Банноп соатига қаради-да, ёрдамчиларга имо қилди. Ёрдамчи пўлат эритувчилар лом ва темирларни олиб, печнинг нариги томонидаги тарновини очишга киришдилар. Цех бошлиғицинг ўринбосари ўз шогирдларига мағрур тикилиб турарди.

— Петр Викторович, мунча хаёлга чўмиб қолдингиз?

У табассум қилиб бизга ўгирилди:

— Хаёл эмас, ҳақиқат лавҳалари кўз олдимга келаяпти, — деди.

Шу пайт печнинг тарновидан пишқириб эритма туша бошлади. Унинг яллиғи бутун цехни ёритиб юборди. Петр Викторович соатига кўз тикди: «беш соат-у 45 минутда ҳужумлаб, тинчлик қурилишларига йўл олмоқда!

Цехнинг иккинчи бир томонидан яна ваганеткаларда темир-терсаклар узлуксиз келтирилиб турибди. Қорачалан келган, мускулдор, ўрта бўйли йигит печь ичига назар ташлади. Бу смена мастери Ҳафиз Ғаниев эди. Пўлат эритувчи Банноп Мирзаматов бир неча метрли чўмичи билан печь қозонидан қайнаб турган пўлатни олиб плиткага қуйди:

— Тоби қалай?

Банноп Ғаниевнинг сўроғига жавоб қайтаргани ҳам йўқ эдики, лабораториядан эритманинг анализини олиб келган аёл унинг сўзини бўлди:

— Қуйса бўлади.

Банноп соатига қаради-да, ёрдамчиларга имо қилди. Ёрдамчи пўлат эритувчилар лом ва темирларни олиб, печнинг нариги томонидаги тарновини очишга киришдилар. Цех бошлиғицинг ўринбосари ўз шогирдларига мағрур тикилиб турарди.

— Петр Викторович, мунча хаёлга чўмиб қолдингиз?

У табассум қилиб бизга ўгирилди:

— Хаёл эмас, ҳақиқат лавҳалари кўз олдимга келаяпти, — деди.

Шу пайт печнинг тарновидан пишқириб эритма туша бошлади. Унинг яллиғи бутун цехни ёритиб юборди. Петр Викторович соатига кўз тикди: «беш соат-у 45 минутда ҳужумлаб, пўлат эритишга тайёргарлик кўрила бошланди. Пўлат эритадиган кун ҳам келди. Тўғри, биринчи марта ўзбек тупроғида пўлатни Урал ва Магнитогорск, Алапаевск ва бошқа шаҳарлардан келган тажрибали рус металлургларининг эритдилар. Мартен печлари ёнида рус металлургларининг ўзбек ёшлари турардилар. Улар ҳали пўлатнинг эритилишини кўрмаган эди. Лекин бу ёшлар олдиларига металлург бўлишни мақсад қилиб қўйган эдилар. Ўша биринчи марта пўлат эритилган куни ҳали-ҳали ёдимда. Мен ўшанда смена мастери бўлиб ишлардим. Пўлатни донгдор металлург Алексей Григорьевич Штиров эритди. Алексей Григорьевич узун чўмичи билан печдан эритмани олиб плиткага қуйди. Эритма чарсиллаб, учқун соча бошлади. Биз уни текшириб кўрдик. Эритма тобига келган эди. Алексей Григорьевич ҳаяжон билан буйруқ берди:

— Тарнов очилсин!

Пўлат эритувчининг ёрдамчиси Ҳафиз Ғаниев ва бошқалар печнинг тарновини очишга киришдилар. Ҳаммамиз ҳаяжонда эдик. Лекин менинг ёнимда турган ёш ўзбек йигитининг ҳаяжонланиши эътиборимни ўзига жалб қилди. Пўлат эритувчи ва ёрдамчилар печнинг тарновини очишаркан, ундан:

— Қаерлик бўласан йигитча? — деб сўрадим.

— Маргилонлик.

Йигит ҳамон цехдаги кўтарма кранларга, машиналарга, оловли мартен цехига кўз тикар эди.

— Исминг нима? — Йигитнинг ҳаёлини бўлиб яна савол ташладим.

— Банноп, — секингина жавоб берди у.

Пўлат эритувчининг ёрдамчилари печнинг тарновини очишди. Эритма чарсиллаб, учқунини ҳаммаёққа сочиб пастда — темир изларда турган қозонга туша бошлади. Бу ажойиб манзара Баннопнинг қалбини яна алангалатди. Унинг юраги тағин ҳам тезроқ ура бошлади. У, темир изидан канавадаги қолипларга эритмани қуйиб бораётган қозоннинг кетидан юриб кета бошлаганини ўзи ҳам сезмай қолди. Қозон марказдаги қолипларнинг бирига эритмани қуйса, қолган 5-6 таси ҳам тўлиб чиқарди. Сал ўтмай қолипларнинг ҳаммаси тўлди.

Ўзбек тупроғида биринчи бўлат эритилди! Урал металлургия заводларида пўлатдек тобланган Алексей Григорьевичнинг чеҳраси ёришди. Ҳаммамиз уни Узбекистондаги биринчи эритмаси билан табрикладик.

Баннон аввалари цехда майда-чуйда ишларни қилиб юрди. Пўлат эритиш осон касб эмас. Шундай бўлишига қарамай, Баннон уни ўрганди. Аввалига пўлат эритувчининг ёрдамчиси бўлди. Кейин уни Свердловсклаги ишчилар малакасини ошириш курсига ўқишга юбордик. У ерда рус металлургларининг қўлида ўқиди, металл эритиш технологиясини мукаммал ўзлаштириб олди. Заводимизга қайтиб келгач, металлни ўзи эрита бошлади.

Боя цехда Баннопнинг ишини кузатиб, биринчи марта цехга келган вақтидаги юриш-туришини, ҳолатини эслаб турган эдим. Мана энди қаранг, Баннон 12- разрядли пўлат эритувчи. Қанчалан-қанча ёшларни ўзи сингари ҳунар эгаси бўлиб етишишига ёрдам қилди. Алексей Григорьевич айтгандай, мартен Баннопни, йўқ-йўқ, Баннопнигина эмас, балки унга ўхшаш юзларча ўзбек йигитларини чиниқтирди. Мана бугун ана шу ўзбек металлургларига қарасам, кўнглим қувончга тўлади, шогирдларимиз устозларидан ўзиб кетганидан хурсанд бўламан. Ана шу матонатли кишиларимизнинг зўр меҳнати туфайли цехимизда пўлат ишлаб чиқариш биринчи марта ишга туширилган пайтдагига қараганда икки ҳисса ошди...

Виктор Петрович ўрнидан турди. Биз завод бағидан чиқиб, асфальт ётқизилган йўлга тушиб олдик. Йўлнинг икки томонидаги муҳташам иморатлар, клуб, мактаб, маданий-маиший муассасаларнинг корпуслари. Яқиндагина бу ер Мирзачўл даштининг бир қиеми бўлганлигига ҳеч кимнинг ишонгиси келмайди.

А. АЗИМЖОНОВ.

Газеталар хабар қиладиларки...

◆ Яқинда Янгийўлдаги Навоий номли мактабнинг 10-синф ўқувчиси Лолахон Маҳаматюсупова Хитой Халқ Республикасининг Кульджа шаҳрида яшовчи уйғур қизи Хуршида Тоҳировадан хат олди. У ўз хатида хитойлик ёшларнинг самарали ишлари ҳақида ҳикоя қилади. Шу билан бирга Хуршида ўзбекистонлик дўстига шоён дастрўмолча ҳам совға қилибди. Лолахон Хуршидага жавоб хати юборди. Унда янгийўллик ўқувчиларнинг ҳаёти ва уларнинг ёзги каникулни хушчақчақлик билан ўтказаётганликлари ҳақида ёзган.

(«Ленинское знамя»).

◆ Октябрь районидаги 13-мактаб ўқувчилари ёзги каникулни кўнгилли ва қизиқарли ўтказмоқдалар. Яқинда ўқувчилардан бир группаси Қуйи Чирчиқ район Новомихайловский қишлоғидаги жутканоф заводига, 4-ГЭСга, Тошкентдаги тарихий музейга, шунингдек Чиноз районидаги 4-Вревский наслчилик совхозига экскурсия қилдилар. Бу экскурсиялар ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

(«Коммунист»).

◆ Меҳнаткашлар депутатлари Сирдарё район Совети учун икки қаватли янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. 23 хонадан иборат бўлган бу бинога ижроия комитетининг бўлимлари кўчиб кирди.

(«Қизил юлдуз»).

◆ Оҳангарон давлат район электростанциясининг қурувчилари ва монтажчиларидан 30 га яқин киши ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кон техникумида ўқиб, давлат имтиҳонларидан муваффақиятли ўтди.

(«Узбекистон шахтёри»).

Илғор пиллачилар

Чиноз район «Қизил Октябрь» колхозининг Ойша Шокаримова бошлиқ звено аъзолари эрта баҳорда 2 қути пилла уруғидан 180 килограмм аъло сифатли пилла топширган эдилар.

Ҳозир улар яна 2 қути пилла уруғини парвариш қилмоқдалар. Звено аъзолари барларни эрталаб тайёрлашга ва уни қуртга ювиб беришга алоҳида эътибор бераётирлар. Қуртхоналар озода сақланади ва тез-тез шамоллатиб турилади.

Звено аъзолари 2 қути пилла уруғидан 150 килограмм пилла топшириш учун курашмоқдалар.

Р. РАҲИМОВ.

Ернинг учинчи сунъий йўлдоши парвозда

Учинчи сунъий йўлдош 14 июль эрталаб соат 6 га қадар Ер атрофини 813 марта айланиб чиқди.

Ҳаво очиқ, булутсиз бўлганда учинчи сунъий йўлдошни 15 июлда қимолий кенгликнинг 24 градусидан 59 градусигача бўлган масофада ва жанубий кенгликнинг 5 градусидан 52 градусигача бўлган масофада оддий кўз билан кўриш мумкин. (ТАСС).

Касаба союз ташкилотлари ишлаб чиқаришга конкрет раҳбарлик қилсин

КПСС XX съезди томонидан қўйилган вазифаларни бажариш учун курашаётган Оҳангарон шаҳар саноат корхоналари ва муассасаларининг касаба союз ташкилотлари катта-катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Шаҳардаги йирик корхоналардан бири ҳисобланган 9-шахта касаба союз комитетининг иши мақтовга сазовордир. Бу ерда меҳнат интизоми, машина ва механизмлардан фойдаланиш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш, нормалаш ишлари яхши йўлга қўйилган. Шахта касаба союз комитетининг диққат эътибори социалистик мусобақани кучайтиришга қаратилган. Мусобақа натижалари ўз вақтида якунланиб борилади. Шунинг учун ҳам шахта йил бошидан буён давлат планларини сурункасига ошириб бажариб келмоқда.

Шахтада ишлаб чиқариш кенгашлари белгиланган муддатда ўтади. Кенгашларда ютуқлар билан бир қаторда муҳим камчиликлар ҳам очиб ташланади ва у камчиликларни тезда тугатиш тадбирлари белгиланади. Масалан, 3-участкадаги проходчилар бригадаси кўп вақтлар нормани бажара олмасдан келар эди. Бригада аъзолари проходка ишларида жиддий камчиликларга йўл қўйган эдилар. Бу масала шахта комитетининг (раиси ўртоқ Р. Мурзин) ташаббуси билан ишлаб чиқариш кенгашида муҳокама қилиниб, 2-участка проходчилар бригадасининг бошлиғи, донгдор шахтёр ўртоқ Ахманов ана шу участкадаги проходчилар бригадасига юборилди. Бригадир ўртоқ Ахманов уларга проходка ишларини нимадан бошлаш керак, ундан олдин қандай ишлар қилинажагини кўрсатиб, ишдаги камчиликларни тугатишга ёрдам берди. Шундан кейин иш анча юришиб кетди. 3-участка проходчилар бригадаси ҳам кундалик нормани тўла ва ошириб бажарадиган бўлиб қолди.

9-шахта кончилари илғор шахтёрлар Н. Мамай ва А. Кольчик ташаббусига қўшилиб, сменада нормадан ортиқча 1,5-2 тоннадан ёқилғи қазиб чиқармоқдалар. Наваллоотбойчилардан СССР Олий Советининг депутати А. Эргашев, шаҳар Советининг депутати Э Бойматов, Бойманов, Қосимов, Примқулов сингари ўнлаб ишлаб чиқариш илғорлари смена нормаларини ошириб бажармоқдалар. Шахта кончилари июнь ойи планини ошириб бажардилар.

Кейинги вақтларда кўмир ва кон устини очиш разрезлари касаба союз комитетларининг иши ҳам бир қадар яхшиланди. Бу разрезларнинг касаба союз комитетлари (раислари Н. Снапок ва А. Абдуллаев ўртоқлар) кончилар ўртасида социалистик мусобақани қизитиб юбордилар. Мусобақа яхши натижалар бермоқда.

Бу муваффақиятлар билан бир қаторда баъзи касаба союз комитетлари ишида жиддий камчиликлар ҳам бор. «Узбекшахтострой» трестига қарашли қурилиш бошқармаларидаги бинокорлар ўртасида социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилмаган, меҳнат интизоми бўшаштириб юборилган. 1-қурилиш бошқармасининг касаба союз комитети раиси ўртоқ Зенюк ишлаб чиқариш масалалари билан кам шуғулланади. 3-қурилиш бошқармасида ҳам аҳвол яхши эмас.

4-қурилиш бошқармасида социалистик мусобақа юзаки ташкил этилган. Участка, бригада ва цехларда мусобақа натижалари якунланмайди ва ишчиларга маълум қилинмайди. Қурилиш комитетининг раиси ўртоқ Артюз ишлаб чиқариш кенгашларини ўз вақтида ўтказиб турмайди. Агар ишлаб чиқариш кенгашлари ўтказилиб турилса, ишдаги камчиликлар очиб ташланар эди ва ишда анча ўзгариш бўлар эди. Касаба союз ташкилотининг ишлаб чиқариш масалалари билан кам шуғулланаётганлиги сабабли бошқарма бўйича қурилиш ишлари плани бажарилмаётир. Бу қурилиш бошқармалари июль ойида ҳам бир меёрда ишламаётирлар.

Қурилиш материаллари комбинати касаба союз ташкилотида ҳам контроль йўқлигидан йил бошидан буён маош фондидан 300 минг сўм маблағ ортиқча сарф қилиб юборилган.

Кўмирчилар касаба союзи Тошкент область комитети раҳбарлари (раиси ўртоқ Гринблат) бундай камчиликларга тезда барҳам бериб, жойлардаги касаба союз ташкилотларининг иш фаолиятини тобора яхшилаши ва Шахтёрлар куни олдидан бошланиб кетган социалистик мусобақани қизитиб юбориши керак.

Иброҳим АҲМЕДОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Қаровсиз қолган кўча“

Қорамурт кўчаси Киров районидаги серқатнов ва катта кўчалардан бири. Бу кўча узоқ вақтлардан бери қаровсиз қолиб, ниҳоятда ёмон аҳволга тушган. Газетамизнинг 24 май сонида юқоридаги сарлавҳа билан чиққан материалда ана шу кўчага район ижроия комитети эътибор бериши талаб қилинган эди.

Меҳнаткашлар депутатлари Киров район Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ Мўминовнинг редакциямизга хабар қилишича Қорамурт кўчасини асфальтлашга ва обод қилишга киришилган. Бу тадбирлар учун бир ярим миллион сўмга яқин маблағ сарфлаш кўзда тутилади.

МАКТАБ ҲАЁТИ

Чирчиқ шаҳар мактабларида политехника таълимини яхшилаш масалалари

КПСС XX съезди ўз қарорида мактабларда политехника таълимини яхшилаш масалаларига катта эътибор берди. Съезднинг тарихий қарорларини бажариш, ёш авлодни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш соҳасида Чирчиқ шаҳар мактаблари бирмунча ишларни қилдилар.

Оталик қилувчи ташкилотларнинг ёрдами билан шаҳардаги 1, 7, 9, 12-мактабларда ишлаб чиқариш устахоналари қурилди. 6-мактабда эса география майдончаси барпо этилди.

Политехника таълими масалалари меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети сессиясида, ўқитувчиларнинг йиғилишларида, шаҳар партия комитети бюросида муҳокама қилинди.

Дастлаб шуни айтиш керакки, физика, химия, биология черчение, география, меҳнат дарсларини ўқитаётган педагогларнинг кўпчилиги Чирчиқ шаҳрида жойлашган саноат корхоналари билан яхши таниш эмасдилар. Шунинг учун ҳам дарс пайтида Чирчиқ корхоналаридан мисоллар келтирмасдилар, химия ёки физика фанларининг айрим қонунлари ана шу корхоналардаги технологик процесслардан олинган мисоллар билан мустаҳкамланмасди.

Шунингдек, шаҳар мактабларида дарсдан ташқари ишларни, тўгаракларнинг фаолиятини яхшилаш ва шу орқали ўқувчиларда техника ва меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш юзасидан етарли иш олиб борилмасди.

Бундан ташқари, айрим мактабларнинг директорлари ва ўқитувчилари бутун эътиборни устахоналарни ташкил этиш ва жиҳозлаш ишларига бериб, химия, физика, биология каби фанларни ҳаёт билан боғлаш масаласига юзаки қарардилар.

Шунинг учун ҳам шаҳар партия комитети мактабларда политехника таълимининг йўлга қўйилиши масалаларини чуқур ўрганиб, бюрода муҳокама қилишга қарор қилди. 1957 йил ноябрида шаҳар партия комитети бу масалани муҳокама қилиб, кенгайтирилган қарор қабул қилди.

Саноат корхоналари инженерлари ва лабораторияларининг бошлиқлари ёрдамида саноат корхоналари билан мактаб директорлари, илмий мудирлари ва физика ҳамда химия ўқитувчиларини таништириш лозим бўлган масалалар рўйхати тайёрланди. Бу рўйхат физика ва химия ўқитувчилари ўртасида муҳокама қилинди ва шу асосда педагогларни саноат корхоналари билан таништиришга киришилди.

Бюро қарорига мувофиқ мактаб директорлари ва илмий мудирлари саноат корхоналари билан ўқитувчиларни таништириб бориш ишини йўлга қўйдилар. Улар ишлаб чиқариш процесси, асосий ускуна ва механизмлар билан, электрохимия комбинати, «Чирчиксельмаш», «Узбекхиммаш» ва бошқа корхоналар чиқараётган махсулотлар билан таниш бўлиб қолдилар.

Ўқувчиларнинг бу корхоналарга экскурсияларини уюштириш эса анча мазмунли ўтадиган бўлди. Бунда ўқитувчиларнинг ўзлари ишлаб чиқариш процесслари билан ўқувчиларни таништирадилар, дарсларда ўтилган физика ва химия қонунларининг айрим томонларини йўл-йўлакай тушунтириб борадилар.

Юқори синфларда йил охирида ўтказиладиган ишлаб чиқариш практикаси кўп ҳолларда қузатилган мақсадга эришиш имкониятини бермас эди. Жумладан, 12-мактаб юқори синф ўқувчиларининг Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институтида ўтказилган ишлаб чиқариш практикаси асосан дала ишларида иштирок этишдан иборат бўлган эди.

Шаҳар партия комитети ташаббуси билан политехника таълими масалалари юзасидан шаҳар ўқитувчиларининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференция шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири ўртоқ Лаоиннинг «Шаҳар мактабларида политехника таълимини йўлга қўйиш ҳақида»ги докладини ва ўқитувчиларнинг 6 қўшимча докладини муҳокама қилди. Бу конференция шаҳар мактабларида политехника таълимини янада яхшилашга ёрдам берди.

Бюро қароридан кейин бирмунча фойдали ишлар қилинди, лекин ҳали кўп иш қилишимиз керак. Педагог ва мактаб директорларининг шаҳар корхоналари ҳаёти билан мунтазам танишиб туришларини давом эттирамиз. Шаҳар мактабларида олиб бориладиган дарсларни ҳаёт билан узвий боғлашга, ўқитувчилар ўртасида синфдан ташқари ва тўгарак ишларини яхшилашга, ўқувчиларнинг саноат корхоналарига, ёнимиздаги колхозларга экскурсияларини уюштириш, кекса ишчилар билан қизғин учрашувлар ўтказиш каби тадбирларни тез-тез уюштириб турамиз. Шунингдек юқори синфларда ўтказиладиган ишлаб чиқариш практикалари савиясини кўтариш ва уларни ўқувчилар билимларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган қилиб уюштиришга катта эътибор берамиз. Бу тадбирларнинг тўғри амалга оширилиши ўқувчиларимизни меҳнатсевар, турли касбларга иштиёқманд қилиб тарбиялашга ёрдам беради.

1958-59 ўқув йили бошлангунча шаҳар мактабларидаги турли объектларни намунали ремонтдан чиқариш, 2, 6, 8, 10-мактаблардаги устахоналарни қуриб битириш, 4-мактабнинг теплицасини битириш политехника таълимини яхшилашга катта ёрдам беради.

1958 йил апрель ойида меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети сессияси мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш масаласини муҳокама қилди. Саноат корхоналари томонидан мактабларни муддатидан илгари ремонт қилиб бериш ҳақида социалистик мажбурият қабул қилинди.

Маълумки, ҳозир ўрта мактабни тамом қилиб чиқаётган ёшларнинг кўпи тўғри ишлаб чиқаришга боради. Шунинг учун ҳам мактабларнинг асосий вазифаси ўқувчиларни меҳнатга, турли касбларга ўргатишдан иборатдир. Хўжалик ташкилотлари эса 10-синфни битириб чиқаётган ёшларни ишга жойлашлари, уларга ғамхўрлик қилишлари керак. Шу муносабат билан политехника таълими масалалари партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг ҳамда халқ маорифи ходимларининг диққат марказида туриши лозим.

Ф. ЯҚУБОВ,
Ўзбекистон КП Чирчиқ шаҳар комитетининг секретари.

ТАШАББУСКОРЛАР

Соат бирлар чамаси эди. Мактаб ҳовлисида иш қизғин. Бу ерда янги бино қад кўтармоқда. Мактаб илмий мудири Коробкин ҳам болалар орасида.

— Мактабимиз ўқувчилари, — дейди ўртоқ Коробкин, — бу йил катта ташаббус кўрсатиб, беш юз квадрат метр майдонда физкультура ва спорт зали ҳамда кўп хонали устахона қурмоқдалар. Улар 120 минг дона ғишт қуйдилар. Бу хонада токарлик станоклари жойлашади. Мактабимиз ҳозир олтита токарлик станогига эга. Устахонада бундан ташқари слесарлик, дурадгорлик хоналари, автокласс ва алоҳида синф ҳам қурилмоқда.

Дурадгорлик хонасида ўқитувчи Смирнов бошчилик қилаётган ғишт терувчилар бригадаси пишиқ ғиштдан устун ясамоқда. 9-синф ўқувчилари эса, спорт зали атрофини текисламоқдалар.

— Бу синф ўқувчилари қурилишда катта ғайрат билан ишламоқдалар, — дейди мактаб директори Михолский. — Айниқса. Абибуллаева, Сичков, Сеитабдуллаева, Мурманцева каби ўқувчилар бошқаларга ўрнак бўлаётирлар. Булар ўқитувчи ўртоқ Киося раҳбарлигида сувоқ ишларини олиб борадилар. Мана, буларнинг қилган сувоғини кўринг. Моҳир сувоқчиларнинг ишидан қолишмайди...

Устахона ва спорт зали сувоқдан чиқай деб қолди. Қурилиш ёнида бир неча ўқувчи ёғоч текисламоқда. Мактабнинг дурадгорлик хонасида ҳам иш қизғин. Бешта рам ва иккита эшик тайёр турибди. Эшиклар силлиқ, бежирим. Буларни болалар — саккизинчи синф ўқувчилари ясаган.

— Биз дурадгорлик касбини мактабда ўргандик, — дейди М. Юсупхўжаев, — Синфдош ўртоқларимдан Ш. Нортоев. Д. Икромов. Э. Холтоев, Э. Халиловлар ҳозир мустақил равишда эшик ва рам ишлашади. Уларнинг иши анча пухта.

Бу ёш дурадгорлар устахона ва спорт залининг эшик ва рамларини тайёрлаб беришни ўз устларига олишган.

Оталик ташкилотлари ўқувчиларнинг бу катта ташаббусини қўллаб-қувватламоқда. Қибрай қишлоқ совети 14 минг сўм пул ажратди. Бу пулга пишиқ ғишт сотиб олинди. 2-вино заводи ва 1-совхоз қурилиш учун ёғоч етказиб бермоқда. Оржоникидзе районидаги 14-ўрта мактабнинг бу ташаббускор ёшлари қурилиш ишини биринчи августтача тамомлаш учун ғайратларига ғайрат қўшиб ишламоқдалар.

С. ТИЛЛАХЎЖАЕВ.

ЎРМОН ХЎЖАЛИГИДА

Тошкент ўрмончилик хўжалигининг Охунбобоев номли участкаси Қўйлиқ посёлкасидан бошланиб Янгийўл шаҳригача бориб етади. Бу хўжаликда 450 гектарга яқин майдонда ҳар хил терак, қайрағоч, акация, клен каби дарахтлар, ўрик, шафтоли, ёнғоқ каби мевали дарахтлар ва ток ўстирилмоқда.

Бундан ташқари 10 гектар ерда Ўрта Осиё ўрмончилик илмий-текшириш институтининг илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати ўртоқ Абдураззоқов раҳбарлигида саноат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган катальпа дарахти ҳам парвариш қилинмоқда.

Ўрмоннинг соя-салқин жойларида ёзлик пионерлар лагерлари ташкил қилинган. «Полярная звезда» ва Янгийўл район колхозлари бу йил бир неча лагерь барпо қилдилар.

— Бу йил ҳар гектар теракзордан 45 минг туп сифатли терак кўчати етиштиришга аҳд қилганмиз, — дейди ўрмончи Ҳамдам Қозоқшайхов. — Бу кўчатлар Янгийўл шаҳрини ва бутун Мирзачўлни безасин, қурувчиларга ва пахтакорларга соя-салқин бахш этсин.

Охунбобоев номли ўрмончилик участкаси Самарқанд ва Бухоро областларига ҳам дарахт кўчатлари етказиб беради.

Б. ҲАСАНОВ.

Суратларда: 1. Урмоннинг кўриниши. 2. Урмончи Ҳ. Қозоқшайхов терак кўчатларини кўздан кечирмоқда.
Фото авторнини.

Луб экинларини суюқ ўғит билан кўплаб озиқлантирайлик

Сўнгги йилларда қаттиқ минерал ўғитлар билан бирга суюқ минерал ўғитлардан ҳам кўплаб фойдаланилмоқда. Ҳозир кенг миқёсда ишлаб чиқарилаётган суюқ аммиакда 82 процентгача азот моддалари бор.

1957 йилда Юқори Чирчиқ районидаги 2 та колхозда суюқ аммиак муваффақиятли равишда синаб кўрилди. 169 гектар ердаги каноп ҳар гектарига 125 килограммдан (яъни 100 килограмм азот ҳисобида) суюқ аммиак сепилди ва азот билан ўғитланган далалардагидек ҳосил олинди. Суюқ ўғитнинг афзаллиги шундаки, 1 тонна азот 2269 сўм турса, суюқ аммиакнинг 1 тоннаси 1413 сўм туради. Шунингдек, суюқ аммиакни сепишга азотга қараганда 3,5 баравар кам меҳнат сарфланди, ёки бир гектар ерга суюқ аммиак сепиш учун 170 сўм, азот солиш учун эса 390 сўм сарфланди.

Жут устида олиб борилган тажрибалар ҳам шуни кўрсатди.

Шу сабабли бу йил кўпчилик майдонларга суюқ ўғит солиш тажрибасини кенг ёйиш лозим. Бу, колхозлар экономикасини ҳар томонлама мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Аммо универсалга тиркаб ишлатиладиган суюқ аммиак солувчи аппаратнинг анча паст қилиб ясалганлиги, экинни синдириб кетиши, сепилаётган ўғит дозасини кўрсатадиган манометрнинг тез-тез бузилиб туриши каби камчиликлар бўлди.

Шу камчиликлар тугатилса каноп ва жут экинларини суюқ аммиак билан ўғитлаш колхозлар учун жуда катта фойда беради.

С. АСҚАРОВА, Р. ИОФФЕ,
биология фанлари кандидатлари,
Е. ДЬЯКОНОВА,
младший илмий ходим.

Ғолиблар даласида

(ОЧЕРК)

I

Директор хонасида «яранинг» олдини олиш мақсадида чақирилган йиғилиш узоққа чўзилмади. Қайсарлиги, ўзбилармончилиги орқасида қатор камчиликларга йўл қўйган бригада бошлиғи Фармон акага танбих берилиб, бу камчиликларни тезда тугатиш тадбирлари белгиланди-ю, мажлис ёпилди.

Тўғри танқидлардан малҳамдек пишган Фармон акани қуюқ тер босган. У ёнида келаётган ҳамроҳи Тилов акага қайрилиб қарашга ҳам, юрагини очиб бир оғиз сўз айтишга ҳам ботина олмас эди.

«Тиловнинг гаплари ўринли, — ўйлаб борарди у, — нега ўша кезларда унинг маслаҳатларига қулоқ солмадим, нега уни ранжитдим, ахир Тилов менинг фойдамни, бригадамиз фойдасини кўзлаб гапирган экан. Мен бўлсам... Э, аттанг, ҳаммаси ўжарликдан. — Фармон акани қулоқлари остида ҳалиги йиғилишда директор Анвар ака Уризбиевнинг айтган сўзлари ҳали ҳам жаранглаб турарди: «Хўжалик ҳисобига ўтган Тилов ака бригадасида, — деган эди у, — ғўзалар бир текис кўсак олган. Ҳа, чеканка қилса бўладиган карталари бор. Хўш, улар бунга қандай қилиб эришишди? Янги тартиб қўлланганидан кейин масалага янада жиддий қарашди. «ҳосилни ошириб, нимани даромал топсак, ўзимизники» деб тўғри тушунишди, ғўза парвариши даврида бракка йўл қўйилмади, кўплаб маблағ тежалди. Сизнинг бригадангизда бўлса-чи?..»

Директор чиндан ҳам аччиқ ҳақиқатни айтган эди. Тилов акалар бригадаси ўтган йили бир центнер пахта етиштиришга 258 сўм сарфлаган бўлса, бу йил 165 сўм сарфлашмоқчи. Бунинг чинга айланиши ҳозирданоқ кўзга ташланиб қолди.

Фармон акалар бригадасида-чи? Тўғрисини айтганда, иш расво бўлди, ғўза парвариши кечикди. Ягана сифатсиз бўлгани учун 4 минг сўм, шошмашошарлик билан культивация қилинишига йўл қўйилганлиги сабабли яна бир неча минг сўм ортиқча сарф қилинибди. Агар улар ҳам Тилов акалар бригадасига ўхшаб хўжалик ҳисобига ўтганларида кимнинг бракка йўл қўйгуси келарди, ким «бўлса бўлар»чиликка бериларди-ю, ўз чўнтагидаги пулни кўкка совурарди, ҳар ким ўзи учун курашиб тиришмасмиди!..

Ҳалидан-бери индамай келаётган Тилов ака ҳамроҳининг ҳаёлини бўлди.

— Мен энди бригадага қайтаман, Фармон ака, — деди у, — ҳали ҳам вақт бор, отни қамчилаш керак. Хайр!

— Хайр! — Фармон ака ҳамроҳига самимий қўл узатди, — энди менинг кўзим очилди. Сиз ҳақлисиз, фақат хўжалик ҳисобига ўтиш масаласида эмас, ҳаммасида ҳам ҳақлисиз.

II

Ҳамиша хушчақчақ Тилов ака бугун дала шийпонига кўнгли ранжиб қайтди. Ғир-ғир эсиб турган оромбахш оқшом шабадаси ҳам, электр ёғдусида алвон-алвон товланиб атрофга атир ҳидларини таратаётган чаман гуллар ҳам, бу ерга йиғилган сувчи, механизаторларнинг завқли суҳбатлари ҳам Тилов акага ёқмасди. Чиндан ҳам тўғри-да, «ишонган тоғингда кийик ётмас» деб мана шунисига айтадилар-да! Ахир у, Ҳакимжонни қанчалар ҳурмат қиларди, «оғиримизни енгил қилаётган азаматлардан» деб ишонарди унга.

— Бугун мажлисда Фармон акалар бригадасини тоза боплаб танқид қилишди, — вазмин сўзлай бошлади Тилов ака узоқ жимликдан кейин, — ғўза парваришида ишнинг сифатига эътибор бермай, ортиқча маблағ сарф қилиб юборишган эканлар, ҳа, тўғри, бизнинг бригадамизни бироз махтадилар, хурсанд бўлдим, аммо лекин анаву пайкалга келиб, Ҳакимжон культивация қилган ғўзаларни кўрдим-у...

Ҳамманинг эътибори нариги чеккада ҳали ҳам шахмат тахтаси устида бош қотириб ўтирган йигит томон тортилди. Шунда бироз жим қолган бригадир яна сўзида давом этди:

— Дўст ачитиб гапиради, душман кулдириб, дейишади. Тоғни урса талқон қиладиган йигит эмасми шу Ҳакимжон! Культивациясининг сифатини қаранг. Қандай қилиб кўнгли бордийкин, «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида бўлибди иш. Эссизгина қимматли вақт, беҳуда елга кетган ёнилғи, сатқайи техника! Мен унга жуда ишониб кетиб чакки қилган эканман.

Тилов ака қизишмаслик учун бўлса керак, бироз ўзини босиб олиш мақсадида боя Бойжигит узатган, совиб қолган чойдан ҳўплай бошлади. Бир неча жуфт кўзлар Ҳакимжоннинг кўзлари билан тўқнашди, гуноҳкор кўз эса дўстлар юзига узоқ боқиб туролмади-да, ерга қадалди.

Тилов ака мана шу бир нафаслик сукунат ичида йил бошида бўлиб ўтган йиғилишни, ана шунда Ҳакимжоннинг ишонч билан айтган сўзларини хотирига келтирди. Тилов акалар бригадаси ўшанда қўшни учта бригадани бирлаштирмоқчи, пахта майдонларини яхлитлаштириб, кенгайтиришмоқчи бўлишди. 40 киши 180 гектар ерда пахта етиштиришга аҳд қилди. «Кучимиз етармикин, галвирни сувдан кўтарганда уялиб қолмасмикинмиз»—синамоқчи бўлиб ўртага савол ташлади Тилов ака. «Уялтирмаймиз, ишни боплаймиз, — Ҳакимжоннинг овози жаранглаб шунда, — режа симлари тортиб чиқиб экканимиздан кейин ортиқча ишчи кучининг нима кераги бор, техникадан унумли фойдалансак, бас».

Ана шу воқеадан бери 5-6 ой ўтди. Тўғри, дастлабки вақтларда ёмон ишлагани йўқ Ҳакимжон, кўпчилик орасида ҳурмат, ишонч қозонди. Аммо лекин ана шу ҳурмат ва ишончни ҳазм қила олмади, чамаси. Кейинги кунларда унумсиз ишлайдиган, бракка йўл қўйдиган бўлиб қолди. Бригадирнинг куйиб-пишиши, жон қойитиб аччиқ гапиришининг боиси ҳам ана шунда эди.

— Ҳали сен билан беллашиб юрибманми-а? — Анчадан бери кимнингдир бир нима дейишини кутиб ўтирган Ҳолиқ ортиқча чидай олмади. У, белидан белбоғини ечиб, бир силкиб қоқди-да, ўзича: «Мусобақадошмиш-а!» деб гуллураб гулзор оралаб кетди.

— Сен «қойил қилиб юмшаттан» эгатларга сув тараймизми энди, йўқ, брак қилиш керак бу карталарни, оғайнилар, — сувчи Бойжигит ака масалани кўндаланг қилиб қўйди.

— Тилов ака, — деди ниҳоят яноқлари оловдай қизарган Ҳакимжон бошини кўтариб ,— танбиҳлар етарли, сен кетидан қувибман-у, сифатини унутибман. Бу нуқсон энди қайтарилмайди, хатойимни тузатаман.

Бригадирнинг кўнгли бироз ёришгандай бўлди. Кейин бу гап бошқаларга ҳам сабоқ бўлсин учун Ҳакимжонга уқтира бошлади:

— Ёдингда бўлсин ука, — деди у, — хўжалик ҳисобига ўтганимизни унутма. Ғўзани сифатли парвариш қилиб, шу ерларда қанча мўл ҳосил етиштирсак, келган даромаднинг ҳаммаси ўзимизники. Агар сен бракка йўл қўйиб, бир ишни икки қилсанг, биринчидан ҳосилдан ютқазасан; иккинчидан, кармонимизга путур етади...

Шу пайт узоқдан ёш йигитнинг шўх ялласи эшитилиб қолди. Оқшом чеҳрасини ёриштириб, уфқдан тўлин ой кўринди. Ҳалидан бери карталарнинг у ер-бу еридан милтиллаб кўзга ташланаётган фонарларнинг шўлалари сўнди. Мана шу сиҳрли тунда, ой ёғдусида эгатларга сув тараб, дилларни қитиқловчи шўх қўшиқ айтиб қадрдон дала гаштини, кенг пахтазор гаштини суриш нақадар ёқимли туюлади кишига!

Бригадир шийпонда турган кетмонлардан бирини елкага ташлаб, сувчилар томон йўл олди. Кун бўйи саратон жазирамасига бардош берган, «ҳосилимиз мўл бўлсин» деб манглай тери тўкиб ишлаган кишилар роҳат уйқуга кириш олдидан Тилов ака ҳақида гап бошлаб қолишди.

— Тадбирли бригадир, пахтанинг тилини ҳам билади, ишнинг кўзини ҳам, — деди Тилов аканинг орқасидан бир зум тикилиб қолган механик Қуддус ака.

— Бўлмаса-чи, ўн икки йил бригадага бош бўлиш, қийинчиликларни енгиб, Мирзачўл ерлари шароитида ҳар йили мўлжалдан ошириб пахта топшириш ҳазил гап дейсанми ука, Бекободнинг Қўштамғали қишлоғидан келган кунидан бошлаб танийман уни. Иш деса жонини беради азамат, — Қуддус аканинг гапини қувватлади Бойжигит ака,— унинг маслаҳати билан биринчилар қатори хўжалик ҳисобига ўтдик. Мана, фойласини кўриб турибмиз. Рост, ўзимиз пиширган ошни ўзимиз еймиз дедикми, ана шунга қараб ишлаяпмиз.

Тилов ака миришкор сувчи Суярқулнинг ёнига яқинлашганда, у уялганиданми, ёки ишга берилиб кетганиданми, ҳар қалай қўшиғини тўхтатди.

— Айтабер баралла, ука, — Суярнинг кўнглини кўтариб деди Тилов ака, — яхши ишга қўшиқ ярашади.

— Рост айтасиз Тилов ака, — хурсанд бўлиб деди Суяр, сув равон оқсин учун бир парча чимни эгат бошига босар экан, — қўшиқ айтсам теримга сиғмай яйраб кетаман.

Тилов ака сувчининг фикрини маъқуллар экан, узоқларга назар ташлади: қоғиб сув ичаётган ғўзалар қулф уриб, денгиздай чайқаларди, эгатлардан жилдираб оқаётган сув ой ёғдусида кумушдек товланарди. Ҳов нариги томондан Суярнинг сменадошлари Турсун ва Усмонларнинг сувни шилдиратиб кетмон уришлари, «бу эгатда оз, унисида кўп бўлиб кетибди» каби сўзлари эшитилиб турарди.

— Азамат йигитлар, — деди ўз-ўзига Тилов ака, — ҳа, мўл ҳосил калити чиндан ҳам шу сувчилар қўлида, балли шуларга.

Шундан кейин бригадир картама-карта оралаб кетди. Қулоқларни бир-бир кўздан кечира бошлади. У бу пайтда шийпонда бўлиб ўтган бояги воқеани бутунлай унутиб юборган эди.

III

Пахтазор эртаси оқшомидан ҳам ғўзал. Бир мақсад йўлида астойдил бел боғлаб ишлаётган кишилар билан гавжум кенг дала! Бу ерга Фармон ака Аҳмедов ва у билан бирга бир-икки звено бошлиқлари келишган. Улар мусобақадошларининг иш тажрибаларини ўрганишмоқчи, ғўзаларни қайси йўл билан кундан-кунга яшнатаётганликлари, қандай қилиб мўл ҳосил тўплаётганликлари билан танишмоқчилар. Меҳмонлар Тилов ака билан бирга эгат оралаб юришибди. Фармон аканинг чеҳраси равшан, чунки у кечаги мажлисдан кейин ўз камчиликларига тушуниб олган. Икки бригадир бўйи тизга уриб турган ғўзалардан бир тупини сайлаб олишди-да, кўсакларини санай бошлашди.

— Бўлиғи олтита, — деди мамнун бўлган Фармон ака ўз звено бошлиқларига кўрсатиб, — мана бунисида 7 та, ўртача 5-6 талан тўқ кўсак бор. Бизда-чи? 2-3 таланга тўғри келади, — Фармон ака охирги сўзларини ачиниш билан айтди. — Агар бизлар ҳам мусобақадошларимиз сингари ишнинг кўзини билиб меҳнат қилганимизда эди...

— Ўтган ишга саловат оғайни, бундан буёғига ҳушёр бўлиш керак, — далда берди Тилов ака Абдалиев, — шу ой ичи астойдил ишлаб, ғўзани камида яна икки марта парвариш қилсанглар борми, сентябрнинг бошиданоқ пахта тераберасизлар.

Улар универсалчилар томон йўл олишди. Мана, Ҳакимжон кечаги картани қайта ишлаябди, ғайрати зўр. Фармон ака ишнинг сифатини текшириб кўрар экан, Тилов акага маъноли қаради.

— Билиб турибман, — деди бунга пайқаган Тилов ака. — Кеча мажлисдан келсам, шунақа бўлиб қопти. Озгина қойдим Ҳакимжонни. Дўстларига «ўзимда айб, ҳақ олмасдан қайта культивация қилиб чиқаман» депти. Биласиз, юкимиз оғир. Мирзачўл шароитида гектаридан 32 центнердан ҳосил етиштириш учун сал қаттиққўл бўлмасак бўлмайди, оғайни.

Мусобақадошлар Тилов акалар пахта далаларини айланар эканлар, бу ердаги қайноқ ҳаётга завқ билан боқишарди. Мусобақадошлар бригадасида мўл ҳосил етиштирилишига ишонч ҳосил қилишарди. Мирзачўл воҳасидаги мана шу кенг далаларда гуркираб-яшнаётган ғўзалар чиндан ҳам киши ҳавасини келтиради, баҳри-дилини очади, уни меҳр билан парвариш қилаётган азамат пахтакорларга балли деса арзийди!

Усмон ЖОНГИТОВ,
1-«Боёвут» совхозининг 3-бўлими.

ГЕРМАНИЯ БИРЛАШГАН СОЦИАЛИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ V СЪЕЗДИДА

БЕРЛИН, 13 июль. (ТАСС). Германия Бирлашган социалистик партиясининг V съезди 12 ва 13 июлда ўз ишини давом эттирди.

Германия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Макс Рейман съезд делегатларига қарата катта нутқ сўзлади. У Германия Бирлашган социалистик партиясининг съезди муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Рейман бу съезднинг қарорлари бутун немис ишчилар синфининг, бутун Германия меҳнаткашларининг йўлини белгилаб беради, деб уқтириб ўтди. Рейман Ғарбий Германиянинг ҳукмрон доиралари атом билан қуролланиш сиёсатини ўтказиб, немис халқи учун жиддий хавф туғдираётганлигини, Германиянинг бирлаштирилишига халақит бераётганлигини таъкидлади. У Германия Федератив Республикасида Коммунистик партияни тақиқлаш тўғрисидаги қарорнинг бекор қилинишини, унга Ғарбий Германия территориясида эркин иш олиб бориш, шу жумладан ҳамма сайловларда қатнашиш ҳуқуқи берилишини талаб қилди.

У Югославия коммунистлар союзининг ревизионистик позициясини қаттиқ танқид қилди.

Музокараларда Миллий мудофаа министри В. Штоф сўзга чиқиб, социалистик лагерининг олдинги истеҳкоми сифатида Германия Демократик Республикасининг муҳим роли ҳақида гапирди. У таъкидлаб ўтдики, Германиянинг ғарбида милитарист ва реваншистлар яна бош кўтараётганлиги сабабли Германия Демократик Республикасида миллий қуролли кучларнинг ташкил қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Съезд делегатлари ва меҳмонлари Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети секретари А. Норденнинг нутқини зўр эътибор билан тингладилар. А. Норден немис коммунистларининг урушга қарши, халқнинг ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида олиб бораётган қаҳрамонона курраши ҳақида гапирди.

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Г. Матерн халқаро проблемаларга тўхталиб, Германия Демократик Республикаси ядро синовларининг тўхатилиши учун, бундесвернинг атом билан қуроллантирилишига қарши ва немис территориясида атом қуролининг жойлаштирилишига қарши, Европада атомсиз зона вужудга келтириш учун энг қатъий кураш олиб бормоқда, деб таъкидлади.

Гулдурос қарсаклар билан кутиб олинган Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг раиси О. Гротеволь катта нутқ сўзлади. У Германия Федератив Республикасидаги моддий турмуш даражасига етиб олиш ва ундан ўзиб кетиш ҳақида съезд томонидан қўйилган вазифани кишиларнинг меҳнат ахлоқи ва социалистик онги юксак бўлган тақдирдагина бажариш мумкин деб таъкидлади. О. Гротеволь ревизионистларнинг хато қарашларини танқид қилди.

О. Гротеволь Германияни қайта бирлаштириш масаласига тўхталиб, айтдики, Германиянинг Шимолий Атлантик пакти доирасида қайта бирлаштирилиши хавфсизлик масаласининг ҳал этилишини анча даражада қийинлаштирган бўлур эди, деди. Агар тўрт давлат жаҳонда ва Европада хавфсизлик ўрнатилишига ёрдам беришни истасалар, у ҳолда улар юксак доирадаги кенгашда атом қуроли синовларини тўхатиш тўғрисида, Марказий Европада отамсиз зона вужудга келтириш тўғрисида, Шимолий атлантик блокига аъзо бўлган мамлакатлар билан Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар ўртасида ҳужум қилишмаслик ҳақида битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилишлари лозим.

О. Гротеволь ўз нутқининг охирида Германиянинг бирлиги проблемасини ҳал этишнинг бирдан-бир реал йўли бор, бу йўл — икки герман давлатининг конфедерациясини вужудга келтиришдир, деб уқтириб ўтди.

Бир қанча коммунистик ва ишчи партияларнинг вакиллари съезд делегатларига қарата табрик нутқи сўзладилар.

Германия Бирлашган социалистик партиясининг V съезди ўз ишини давом эттирмоқда.

А. Новотнийнинг СССРда бўлиши тўғрисида Прагада баён этилган фикрлар

ПРАГА, 14 июль. (ТАСС). Чехословакия жамоатчилиги Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Биринчи секретари ва Чехословакия Республикаси Президенти Антонин Новотнийнинг СССРда бўлиши тўғрисида Москвада Ахборот имзоланганлиги ҳақидаги хабарни зўр қизиқиш билан кутиб олди.

Чехословакияда чиқадиган газеталарнинг ҳаммаси бу Ахборот текстини биринчи саҳифаларида босиб чиқарди.

Чехословакия матбуоти Совет-Чехославак дўстлигига бағишлаб москвликларнинг 12 июлда Спорт саройида ўтказилган митингига катта эътибор берди. Газеталар Совет пойтахти гражданлари билан қардош чехословақ халқи вакилларининг ана шу қувончли ва таъсирли учрашуви вақтида А. Новотний ва Н. С. Хрушчев ўртоқларнинг сўзлаган нутқларини айрим жойларини босиб чиқарганлар.

Қуролсизланиш ва халқаро ҳамкорлик Жаҳон конгрессида қатнашадиган совет делегацияси

Қуролсизланиш ва халқаро ҳамкорлик Жаҳон конгрессида қатнашиш учун совет делегатларининг катта бир группаси 13 июлда Стокгольмга жўнаб кетди. Совет делегацияси Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг совет жамоатчилиги вакиллари иштироки билан ўтказилган кенгайтирилган пленумида сайланди. Делегация составида олимлар, ишчилар, ёзувчилар, колхозчилар, касаба союз, хотин-қиз ва ёшлар ташкилотларининг ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари, диний жамиятларнинг раҳбарлари бор.

Делегатлар орасида ёзувчи Г. Г. Абашидзе (Грузия ССР), «Радянська Украина» колхозининг раиси Г. Е. Буркацкая (Украина ССР), ёзувчи П. О. Бровка (Белоруссия ССР), Оржоникидзе номидаги станок заводининг слесари Г. В. Вдовин (Москва), академик А. П. Виноградов, комбайнчи А. Исаков (Қозоғистон ССР). Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг масъул секретари М. И. Котов, Латвия ССР халқ рассоми А. Я. Лапиньш, Бутуниттифоқ савдо палатаси президиумининг раиси М. В. Нестеров, Крутица ва Коломна митрополити Николай, СССР ёзувчилари союзи правлениесининг биринчи секретари А. А. Сурков, Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг раиси Н. С. Тихонов, Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетининг раиси М. Турсунзода (Тожикистон ССР), ёзувчи И. Г. Эренбург, Қирғизистон давлат университетининг ректори Б. М. Юнусалиев ва бошқалар бор. (ТАСС).

Социализм мамлакатларининг ҳамкорлиги

ПРАГА, 13 июль. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлиги хабар беради: 1 июлдан 12 июлгача Прагада ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашининг қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ва илмий техника ҳамкорлиги доимий комиссияси иш группасининг мажлиси бўлди.

Иш группаси қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг 14 тармоғи билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди.

Женевада экспертлар кенгаши

ЖЕНЕВА, 13 июль. (ТАСС). Экспертлар кенгашида ядро портлатилишини радиоактив маҳсулотларни йиғиш йўли билан аниқлаш методини муҳокама қилиш давом эттирилди. Кенгаш профессор Е. К. Федоровнинг раислигида ўтди.

Навбатдаги мажлис 14 июлда бўлади.

«БОЛТИҚ БЎЙИДА ТИНЧЛИК ҲАФТАЛИГИ» ТАМОМ БЎЛДИ

БЕРЛИН, 13 июль. (ТАСС). Росток округида 5 июлда бошланган «Болтиқ бўйида тинчлик ҳафталиги» бугун тамом бўлди. Бундан буён сайин ўтказиладиган бу байрам Болтиқ бўйи мамлакатлари ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиб бораётганлигини, уларнинг Болтиқ денгизи районида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш йўлидаги интилиши ўсиб бораётганлигини кўрсатувчи ёрқин намойишга айланди. Болтиқ бўйи мамлакатлари ишчиларининг ва хотин-қизларининг «Ҳафталик» давомида ўтказилган Болтиқ бўйи конференциялари, студентларнинг халқаро семинари, ёшлар куни, меҳнаткашлар вакилларининг учрашувлари, бадиий тамошалар ва спорт мусобақалари Болтиқ бўйи давлатлари аҳолисининг жуда кенг табақалари улар ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга тобора кўпроқ интилаётганлигини кўрсатди. «Ҳафталик»да қатнашиш учун Ғарбий Германиядан, Исландиядан, Даниядан, Норвегиядан, Швециядан, Польшадан, Финляндиядан, Совет Иттифоқидан келган чет эл меҳмонлари, шунингдек Германия Демократик Республикаси вакиллари ўз сўзларида атом уруши хавфига қарши курашда халқларнинг бирлиги зарурлигини таъкидладилар.

Бугун, «Ҳафталик»нинг охирги кунида Ростокда эрталабдан бошлаб спорт мусобақалари ўтказилди. Шундан кейин 30 мингдан ортиқ киши қатнашган тантанали митинг бўлди. Митингда Германия Бирлашган социалистик партияси округ комитетининг биринчи секретари К. Мевис сўзга чиқиб, «Болтиқ бўйида тинчлик ҳафталиги» тинчликни ҳимоя қилиш ва халқлар ўртасида ҳамжиҳатликка эришиш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди, деди.

Халқаро журналистлар ташкилотининг мурожаати

ПРАГА, 12 июль. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлигининг хабар беришича, қуролсизланиш ва халқаро ҳамкорликка бағишланиб Стокгольмда ўтказиладиган конгресс муносабати билан Халқаро журналистлар ташкилотининг бош секретариати бугун бутун дунё журналистларига қарата мурожаат эълон қилди. Бош секретариат бу мурожаатда журналистларни тинчлик ва барча мамлакатлардаги халқлар ўртасида дўстлик жарчилари бўлишга, ўзларининг бутун кучларини инсониятнинг бахтли келажагига хизмат қилиш ишига сарф қилишга даъват этади.

Ҳамма қитъалардаги кишиларнинг овозига қўшилиш ва бутун куч ва қобилиятларини инсонпарварликка ҳамда бахтли келажакка хизмат қилиш ишига бағишлаш, дейилади мурожаатда, барча демократик журналистларнинг фахрли ва тарихий бурчидир.

Матбуот яхши ниятли ҳамма кишиларнинг, энг оддий ва шу билан бирга жаҳонда энг буюк нарсани — тинчлик ва дўстлик бўлишини талаб қилаётган ҳамма кишиларнинг қудратли қуроли бўлсин!

Қуролсизланиш ва халқаро ҳамкорлик Жаҳон конгресси олдидан

КАРАЧИ, 13 июль. (ТАСС). Миллий халқ партиясининг раҳбари Мавлона Бхасаний қуролсизланиш ва халқаро ҳамкорлик конгрессига жўнаб кетиши олдидан тинчликни ҳимоя қилиш умум Покистон комитети томонидан Даккада ўтказилган қабул маросимида нутқ сўзлади. «Таймс оф Карачи» газетасининг хабар беришича, Бхасаний жаҳондаги барча тинчликсевар кишиларга мурожаат этиб, инсониятни уруш даҳшатларидан халос қилиш учун кучғайратларини бирлаштиришга даъват этган. У империалистик уруш қуролларига қарши, тинчлик учун биргаликда зўр бериб ҳаракат қилгандагина дўстлик вазиятини вужудга келтириш ва мустаҳкам ҳамда узоқ давомли тинчлик ўрнатиш мумкин, деб таъкидлаган. Бхасаний тинч-тотув яшашни ёқлаб чиқиб, тинчликни қадрлайдиган ҳамма халқларни ядро қуроли синовларининг тўхатилишига эришиш учун ҳаракат қилишга даъват этган.

АҚШ ва Англиянинг Ливан ишларига аралашувига қарши

Индонезия касаба союзлари марказий федерациясининг баёноти

ЖАБАРТА, 12 июль. (ТАСС). Индонезия касаба союзлари марказий федерациясининг миллий кенгаши (СОБСИ) баёнот эълон қилди. Бу баёнотда АҚШ ва Англиянинг Ливанга қарши интервенция тайёрлаётганлигига қарши қатъий норозилик билдирилади.

Баёнотда бундай деб таъкидланади: АҚШ ва Англиянинг Ливан ишларига аралашуви Осиё ва Африка мамлакатлари учунгина эмас, балки бутун дунё учун ҳам хавф туғдирмоқда. СОБСИ раҳбарлиги Индонезия ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти орқали ёки бошқа бирор йўл билан Ливанга қарши чет эл интервенциясининг олдини олишга қаратилган тадбирлар кўрсин, деб талаб қилади ҳамда Индонезиянинг бутун халқини Ливан ишларига чет эл давлатларининг аралашувига қарши чиқишга даъват этади.

ЛИВАНДА ЖАНГЛАР

БАЙРУТ, 13 июль. (ТАСС). Ливан миллий мудофаа министрлигининг ахборотида хабар қилинади: Ўтган икки кун ичида Ливан армияси қисмлари Тароблис шаҳрида қўзғолончи отрядларнинг қаттиқ атакаларини даф этдилар. Қўзғолончилар, дейилади ахборотда, ҳукумат қўшинларининг позицияларига гранатлар ташладилар ва уларни автоматлардан ўққа тутдилар.

Ливан пойтахти Байрутда кейинги икки кун ичида вақти-вақти билан кўчаларда кучли отишмалар бўлиб турди.

ИРОҚДА ДАВЛАТ ЎЗГАРИШИ

ДАМАШҚ, 14 июль. (ТАСС). Бағдод радиосининг хабар беришича, 14 июлга ўтар кечаси Ироқда давлат ўзгариши бўлган: король режими ағдариб ташланган ва Ироқ Республикаси эълон қилинган. Республиканинг биринчи декрети билан бош министр бригада генерали Абдулкарим Қосим бошчилигида ҳукумат тузилган. Унинг ўзи республиканинг мудофаа министри ҳамдир. Бош министрнинг ўринбосари қилиб полковник Абдулсалом Муҳаммадориф тайинланган.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

Моҳир авиотехник

Тошкентдаги учувчилар бўлинмасининг авиотехниги В. Колодезнев янги вертолёт техникасини биринчи бўлиб эгаллаган эди. У доимо ўзи хизмат қиладиган МИ-1 вертолётидан тўғри фойдаланиб, учишнинг хавфсиз бўлишини таъминлайди.

Ўз касбининг устаси бўлган Виктор Григорьевич томонидан учишга ҳозирланган вертолёт Ўрта Осиёнинг қумли саҳролари ва тоғ чўққилари устида узлуксиз ҳаракатда бўлади, машина бешикаст ишлайди.

Бўлинмага «КА-15» маркали янги вертолёт келтирилганида ундан фойдаланишни биринчи бўлиб Колодезнев ўрганди. Колодезневнинг яхши бир хусусияти бор: у авиация техникасидаги янгиликларни мунтазам кузатиб боради, малакасини ошириш устида астойдил ишлайди.

Авиотехник ўзига топширилган материал қисмларни кўз қорачиғидек асраб, ҳар бир ишга ижодий ёндошади. Шунинг учун ҳам бу меҳнатсевар, моҳир авиотехникни коллектив жуда ҳурмат қилади. **Суратда:** авиотехник **В. Г. Колодезнев** учиш олдида турган «КА-15» вертолётини кўздан кечирмоқда.

Текст ва фото **М. Вишедскийники.**

Ёш шоферлар малакаси оширилмоқда

Чирчиқдаги 2-автобаза кўпгина қурилиш конторалари, турли корхона ва муассасаларга ҳамда шаҳар ичида қатновчи пассажирларга хизмат қилади. Бу катта автобазада 350 дан ортиқ шофер ишлайди. Бу ерда шоферларнинг малакасини ошириш, айниқса ёш шоферларга яхши тажрибаларни ўргатишга алоҳида эътибор берилаётир.

Автобазанинг кекса шоферлари ўз иш тажрибаларини ёшларга баҳонидил ўргатадилар. Автобаза ҳузурида 3-класс ёш шоферларнинг малакасини ошириш курси очилган эди. Яқинда ана шу курсни 29 ёш шофер тамомлаб, 2-класс гувоҳномасини олдилар.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

Спортчи-отувчиларнинг биринчи республика спартакиадаси очилди

Тошкентда комсомолнинг шонли 40 йиллигига бағишланган спортчи-отувчиларнинг биринчи республика спартакиадаси очилди.

Спартакиада қатнашчилари спортнинг ҳарбий турлари бўйича мусобақалашадилар.

Мусобақаларда республикамизнинг ҳамма областлари ва Қорақалпоғистон АССР дан келган спортчи-ёшлардан, ҳаммаси бўлиб 10 команда қатнашмоқда. Тошкент областидан 2 команда иштирок этаётир. Ҳар бир команда 10 кишидан иборат бўлиб уларнинг 3 тасини хотин-қизлар ташкил қилади.

Спартакиада қатнашчилари орасида спорт мастерлари, отиш мусобақаси голиблари ҳамда республика рекордчилари ва чемпионлари, шунингдек, 1, 2- разрядли отувчи-спортчилар бор.

Спартакиада 18 июлгача давом этади.

Бахтли кексалик

Қорасув районндаги Ленин номли колхозда яшовчи Абдулла ота Азимовни кўрган киши уни 103 ёшга кирган деб ўйламайди. Чунки ота ҳали анча тетик, ўзини бақувват ҳис қилади.

Абдулла отанинг 2 ўғил, 3 қиз, 27 невара, 13 чевара ва 10 дан ортиқ эваралари бор. Ҳозир отанинг ҳамма фарзандлари иш ва ўқиш билан банд.

Абдулла ота оиласининг дастурхон атрофига тўпланганини кўрган киши завқланиб, мен ҳам шуларга ўхшасам, деб яхши ният қилади. Пири бадавлат деб худди шуни айтадилар-да.

С. ЯХИН.

Телевизор экранида

15 ИЮЛДА

19.30 Болалар учун рус тилида эшиттириш.
19.50 Ҳужжатли фильм.
20.50 Қишлоқ хўжалик илғорлари учун концерт.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ҲОДИСА

И. ҚАЛАНДАРОВ.

ҚУҚОНДАН ЎШГА

Якименко ҳайдаб келаётган ЕХ—55-69 номерли машина Юрканинг кўрсатиши бўйича тонг ёришай деб қолганда Қўқон шаҳрининг Маданият кўчасидаги 41-ҳовли ёнига келиб тўхтади. Юрка машинадан тушиб ҳовли эгаси Рафаэль Артюновни чақирди. Артюнов пальтосини елкасига ташлаб ички кийим билан чиқди. Шофер Якименко машина багажидаги 2 та мол тўла қопнинг бирини Юркага, иккинчисини Артюновга топширди. Артюнов қопни кўтарар экан, Юркага қараб:

— Бу нима? — деб сўради.

— Буми, бўш қоплар, — деди кўзини қисиб Юрка, қопдаги нарсаларни шофердан тезроқ яшириш учуриб, — эртага шу қоплар билан Ўшга бориб қуруқ мева оламиз.

Бу гаплар Якименкони қизиқтирмас эди, чунки Қўқонга кириш олдидан йўлдаёқ у 1200 сўмни чўнтагига солиб олган ва тезроқ орқасига — Тошкентга қайтишга шошиларди. Юркани Артюнов уйида Тошкентдан келган Михаил Ваниянц кутиб ўтирган эди. Булар учовлашиб барвақт Ўш шаҳрига қараб йўл олдилар. Улар ўлжа билан шаҳар савдо бўлими қарамоғидаги 10- магазинда мудир бўлиб ишловчи ва Шахтер кўчасидаги 11- уйда истиқомат қилувчи Камолитдин Мусаев уйига бориб тушдилар. Уй эгаси меҳмонларни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Кеч кириши билан бами жамшид бошланди. Кетма-кет шишалар бўшади, кайф тароқ... Улфатлар оғизига келган гапларни сира қайтармай роса алжирашди.

ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ЕРДАМИ БИЛАН

Жиноят шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирида, катта бир фабрикада содир бўлган ўғрилар бунга олдиндан пухта тайёрланиб, сўнгра ишга киришганлари уларнинг нақадар маккор эканликларидан дарак беради. Ўғрилар қанча найранг ишлатмасин, турли-туман йўллар билан из қолдирмаслик чорасини кўрмасинлар, улар милиция ходимларининг илғор отряди—моҳир қидирув бўлими ходимларининг қўлидан қочиб қутила олмадилар.

Шу жиноят содир бўлганидан кейин қидирув бўлими ходимлари Боков, Аванесов, Хўжаев ва Попов ўртоқлар фактларни мулоҳаза қилиб, ўғрилар ичида кимдир фабрика ходимларидан бўлиши керак деган хулосага келдилар. Шу сабабли гумон қилинган фабрика монтери Рамз Богданов кўз тагига олинди. Богданов Энгельс кўчасидаги 71- уйда — фабрикага яқин жойда яшарди. Синчиклаб текшириш натижасида Рамзнинг ўғирлик билан икки марта қўлга тушиб, қамалиб чиққандан кейин фабрикада монтерлик вазифасида ишлаётгани маълум бўлди. Унинг таниши Михаил Маркович Ваниянц ҳам 6 марта ўғирлик қилиб қамалган экан. У, Энгельс кўчасидаги 3- уйда туради. Унинг бирон жойда ишлашга бўйни ёр бермайди. Богданов билан Ваниянц лагерда танишиб, сирдош бўлиб олган эканлар. Қамоқдан бўшагач улар Тошкентда топишадилар. Тошкент савдо техникумининг IV курс студенти, Кренкель кўчасидаги 7- уйда турувчи Юрий Артемович Миколянцни ҳам ўз ёнларига тортадилар.

Рамз Богданов монтёр сифатида тикув фабрикасининг ҳамма цехлари ва складларига бемалол монисиз кириб юради. Ҳар кимга суркалиб, пинжига киришга уриниб, ўзидан гумонсирашга ўрин қолдирмайди ва қайси йўл билан, қай вақтда, фабриканинг қайси складидан қандай молларни ўғирлашни мўлжаллаб режалар тузади. Ўғирлик билан тирикчилик қилиб қайта-қайта қамалган, лекин таъзирини емаган Богданов одамгарчилик ҳиссини йўқотган, ўғирликни ўзига касб қилиб олган Ваниянц билан учрашганлан кейин ўз режаларини амалга оширишга киришган. Натижада юқорида тасвирланган ўғирлик содир бўлган.

Богданов, Ваниянц ва Миколянц изидан юриб, уларнинг ҳамма шерикларини аниқлаш учун Қўқон ва Ўш шаҳарларига ўртоқ Хўжаев бошлиқ оператив группа юборилади. Ўш шаҳрида ўғирланган моллари сотиб олиб, сув қилувчи Мусаев уйида бўлаётган айш-ишрат устига Наби Хўжаев бошлиқ оператив группа ва Қўқон шаҳар милициясининг бошлиғи Нўғой Беков, Ўш шаҳар милиция бошлиғининг ўринбосари Зарипов бостириб кирадилар. Ўғрилар ва уларнинг шериклари қўлга олинади. Шу пайтда Тошкентда Богданов ва унинг ёрдамчилари Смотров ҳам қўлга олинган эди. Жиноятни исботловчи моллар ва кўпгина ҳужжатлар топилди. Жиноят тўла фош этилди.

Бу жиноятни очишда милиция қидирув бўлими ходимлари Наби Хўжаев, Попов, Боков, Аванесов ва Степанянц ўртоқларга жамоатчилик вакилларидан бир қанча киши актив ёрдам кўрсатдилар. Милиция ходимларининг кенг омма билан яқин алоқада бўлиб ишлаши жуда сирли бўлиб кўринган ҳар қандай жиноятнинг олдини олиш гарови эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

(Охири. Боши газетамизнинг 12 ва 13-июль сонларида).

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРНИНГ ЕЗГИ БИНОСИДА — 15 ва 16/VII кеч соат 9 да **Ўзбек мақомларидан катта концерт.**

«РОДИНА» — кеч соат 6-20 минутгача янги бадиий фильм **Тентак**, кеч 8 ярим ва 10-20 минутда кенг экранли фильм **Ўн саккизинчи йил.**

«ВАТАН», «САЛЮТ» — **Тентак.**

«ИСКРА» (қишки) — кундуз ва кечқурун **Тентак.**

«ИСКРА» (ёзги) — кенг экранли фильмлар: 1) **Опа-сингиллар,** 2) **Ўн саккизинчи йил** (бир йўла 1 ва 2-серия)

КАФАНОВ номли, «ХИВА» — **Амалга ошмаган орзулар.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 да **Спорт шарафи,** кундуз ва кечқурун **Амалга ошмаган орзулар.**

«Союзпечать»нинг Тошкент шаҳар газета-журнал киосклари
шаҳар телефон тармоқлари абонентларининг
ГЕЛЕФОН СПРАВОЧНИГИ
Фрунзе ва Октябрь районларидаги телефонларнинг қўшимча рўйхати билан бирга
СОТИЛА БОШЛАНДИ
Справочникнинг баҳоси — 14 сўм 70 тийин.
Ташкилотларга нақд пулга ҳам, перечисление тартибида ҳам сотилади.
«Союзпечать» шаҳар бўлими.

Дайди итларга қарши курашни кучайтириш ҳамда одам ва уй ҳайвонларида қутуриш касаллигининг олдини олиш чоралари тўғрисида

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ

МАЖБУРИЙ ФАРМОЙИШИ

1958 йил 10 май № 3 Тошкент шаҳри

Одам ва уй ҳайвонларида қутуриш касаллигининг олдини олиш ҳамда Тошкент области шаҳарлари ва районларида дайди итларга қарши кураш мақсадида, Область ижроия комитети **қарор қилади:**

1. Гражданларга, муассаса, ташкилот, колхоз ва совхозларга қарашли ҳамма итлар ёш ва зотларидан қатъи назар, шаҳар-район ветеринария шифохоналарида 1958 йил 1 августдан бошлаб кўрикдан ўтказилсин, эмлансин ва рўйхат қилинсин.

2. Касаллигига қараб рўйхатдан ўтказилмайдиган итлар эгалари қўлидан олинниши лозим. Бундан кейин итлар ҳар йили ветеринария кўригидан ўтказилсин. Кўрикдан ўтган итлар учун номер белгилари ва рўйхат паспортлари берилсин. Рўйхатдан ўтмаган итлар ушлаб олинади ва йўқотиб ташланади.

3. Кўчаларда оғзига тўр тутилмаган ҳолда ва занжирсиз юрган ҳамма итлар (зоти, ёши, тайини ва кимга қарашли бўлишидан қатъий назар) дайди ит деб ҳисобланади ва ушлаб олиниб, йўқотиб ташланади.

4. Ит эгаларига қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

а) итларни рўйхатдан ўтказиш учун шаҳар-район ветеринария шифохоналарига келтирсинлар. Бундан кейин, бир ойлик ёшдан тортиб янги сотиб олинган ҳамма кучуклар 3 кун ичида рўйхат қилиниши ва эмланиши лозим;

б) ҳовлида итлар фақат калта занжирга боғлаб асралсин, кўчага олиб чиққанда калта занжирга боғлаб, оғзига тўр тутилсин;

в) кишиларни ва ҳайвонларни ит қопган тақдирда, итни ветеринария шифохонасига олиб бориб кўрсатиш лозим: биринчи марта — кишини қопган куннинг ўзида, иккинчи марта — 15 кундан кейин. Шу билан бирга, ветеринария назорати органлари кузатиб турган даврда бундай ит қочиб кета олмайдиган қилиб боғлаб қўйилсин ва ҳовлидан ташқарига олиб чиқилмасин;

г) илгари бирор ит қопган ҳайвонлар касал бўлиб қолса, дарҳол шу тўғрида шаҳар-район ветеринария шифохонасига маълум қилинсин.

5. Ҳамма гражданларга ва ташкилотларнинг раҳбарларига умум фойдаланадиган биноларда ит ва мушуклар асраш тақиқлансин.

6. Гражданларга номер белгиси, рўйхат паспорти ва соғлиғи ҳақида ветеринария шифохонасининг справкаси бўлмаган итларни бозорларда сотиш тақиқлансин.

7. Шу мажбурий фармойишни бажармаслик ёки бузишда айбдор бўлганлар 100 сўмгача штраф тўлайдилар ёки 1 ойгача муддат билан аҳлоқ тузатиш-меҳнат ишларига тортиладилар.

8. Милиция органлари қутуриш касаллигининг олдини олиш тадбирларини ўтказишда ветеринария ва медицина ходимларига кундалик ёрдам кўрсатсинлар.

9. Бу мажбурий фармойишнинг бажарилишини контроль қилиш милиция, ветеринария-санитария назорати ва коммунал хўжалик органларига юклансин.

10. Ушбу мажбурий фармойиш эълон қилинган кундан бошлаб 15 кундан кейин кучга киради ва Тошкент области доирасида жорий этилади.

Тошкент область Совети ижроия комитетининг раиси

Х. ЖАЛИЛОВ.

Тошкент область Совети ижроия комитетининг секретари

Х. ҚОБИЛОВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808. 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 29040. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 05421. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурхи» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-524.